

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Ҳимоягарухсат
кафедра мудири

20__ й. «__» _____

АКТ соҳаси корхоналарида интерактив хизматлар жорий
этишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш мавзусида

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Битирувчи	_____	<u>Бердиев Б.Б.</u>
	имзо	ф.и.ш.
Раҳбар	_____	<u>Мирзаев Ф.Р.</u>
	имзо	ф.и.ш.
Маслаҳатчи	_____	<u>Арифджанов А.З.</u>
	имзо	ф.и.ш.
Тақризчи	_____	<u>Нарзиев Ж.П.</u>
	имзо	ф.и.ш.
ҲФХ бўйича маслаҳатчи	_____	<u>Борисова Е.А.</u>
	имзо	ф.и.ш.

Тошкент – 2014

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АКТ соҳасида иқтисодиёт ва менежмент факультети
АКТ соҳасида иқтисодиёт кафедраси
Йўналиш 5340100–Иқтисодиёт (алоқа ва ахборотлаштириш)

ТАСДИҚЛАЙМАН

Кафедра мудири _____

20__ й « ____ » _____

Талаба _____ Бердиев Баҳром Бозор ўғлининг _____
(фамилияси, исми, отасининг исми)

АКТ соҳаси корхоналарида интерактив хизматлар жорий этишнинг
иқтисодий самарадорлигини баҳолаш мавзусидаги битирув малакавий
ишига

Т О П Ш И Р И Қ

1. Мавзу университетнинг 2013 йил «30» декабрдаги 1323 –
сонли буйруқ билан тасдиқланган

2. Ишнинг мўяга топшириш муддати: 28 май 2014

йил 3. Ишга оид дастлабки маълумотлар: Илмий адабиётлар ва услубий кўрсатмалар
Ҳисоблаш –

тушунтириш ёзмалар мазмуни: (ишлаб чиқилган масалалар рўйхати) Кириш, Интерактив
хизматларнинг назарий асослари, Ўзбекистонда интерактив хизматлардан
фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати таҳлили, Ўзбекистонда АКТ соҳасида интерактив
хизматлардан фойдаланишни такомиллаштириш, Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.

4. График материаллар рўйхати: Ягона интерактив давлат хизматлари
портали, АКТ корхоналари томонидан кўрсатилган хизматлар ва аҳолига кўрсатилган
хизматлар ҳажми, Инвестицияларнинг ўзлаштирилиш режаси, 2009-2013 йилларда
Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони, "Ўзбектелеком" АК нинг 2012 йил
учун асосий фаолиятдан олган даромади

5. Топшириқ берилган сана: 19.01.2014 йил

Раҳбар _____

ИМЗО

Топшириқ олдим _____

ИМЗО

7. Ишнинг айрим бўлимлари бўйича маслаҳатчилар:

Бўлим номи	Маслаҳатчи	Имзо, сана	
		Топшириқ берилди	Топшириқ олинди
1	Мирзаев Ф.Р.	19.01.2014	14.02.2014
2	Мирзаев Ф.Р.	05.03.2014	05.03.2014
3	Мирзаев Ф.Р.	04.04.2014	04.04.2014
4	Борисова Е.А.	23.05.2014	23.05.2014

8. Ишни бажариш графиги

Т/р	Иш бўлимлари номи	Бажариш муддати	Раҳбар (маслаҳатчи) имзоси
1.	ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	19.01.2014	
2.	ЎЗБЕКИСТОНДА ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ	05.03.2014	
3.	ЎЗБЕКИСТОНДА АКТ СОҲАСИДА ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	04.04.2014	
4.	ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ	24.05.2014	

Битирувчи _____
имзо

2014 йил «__19__» __01__

Раҳбар _____
имзо

2014 йил «__19__» __01__

Ушбу битирув малака ишида АКТ соҳаси корхоналарида интерактив хизматлар кўрсатишини ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган. Интерактив хизмат турлари аниқланган ва таснифланган ҳамда ушбу хизматлардан фойдаланишни ривожлантириш йўллари асослаб берилган. Шунингдек интерактив хизматларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги баҳоланган ва тегишли хулоса ва таклифлар берилган.

В данной выпускной квалификационной работе анализируются состояние оказания интерактивных услуг в предпринятых сферы ИКТ определены и классифицированы виды оказываемых интерактивных услуг, а также обоснованы пути развития оказания интерактивных услуг. В работе также оценена экономическая эффективность оказания интерактивных услуги даны соответствующие заключение и рекомендации.

In this final qualifying work analyzed Condition provision of interactive services in ICT enterprises to identify and classify types of interactive services provided, as well as development assistance substantiated way interactive services. The paper also evaluated the economic efficiency in the provision of interactive services are Relevant to the conclusion and recommendations.

Ахборот–коммуникация технологиялари (АКТ) ҳаётимизнинг барча жабҳаларига изчил кириб бормоқда. Мамлакатимизда ахборотлашган жамият куриш бўйича халқ хўжалиги соҳаларида, ишлаб чиқариш ва таълим тизимида кенг миқёсда ислохотлар олиб борилмоқда. Ахборотлаштириш, замонавий АКТни жадал ривожлантириш ҳамда жамиятнинг барча соҳаларида ундан самарали фойдаланиш борасида устувор йўналишлар белгиланган.

“Биз қисқа вақт мобайнида нафақат ахборот хизматлари кўрсатишнинг кўплаб турлари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этишимиз, балки ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида юксак даражага эришган илғор мамлакатлар сафига қўшилишимиз зарур”.¹

Демак, ҳар қандай соҳа ташкилотида тезкор интерактив хизматларни амалга ошириш учун авваламбор, ташкилот техник жиҳозлар, компьютерлар ва уларга мос замонавий дастурий таъминотлар (ДТ) билан таъминланган ҳамда автоматлашган бошқарув тизимига эга бўлиши зарур.

Хукуматимиз томонидан таълим соҳасининг ривожига, баркамол авлодни юксак-маънавиятли, замонавий билимлар эгаси бўлишига алоҳида эътибор қаратилиши таълим тизимини тубдан янгилаб, жаҳон андозаларига мос равишда ташкил этишга ундамоқда. 2012 йил февраль ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро симпозиумда таълим тизимига бўлган эзгу муносабат яққол ўз исботини топганлигини айтиш жоиз. Бугунги ахборотнинг глобаллашуви жараёнида таълим тизимини АКТ билан уйғунликда олиб бориш самарали натижалар бериши айнан ҳақиқат.

Бу соҳада эришилган ютуқлар қаторига Халқ таълими вазирлиги тасарруфида “Ахборот-таълим портали”нинг яратилиши, Мультимедия умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказининг ишга туширилиши, Зиёнет ахборот-таълим тармоғининг ташкил этилиши ва ҳар бир таълим муассасасида ахборот-

¹ И.Каримов Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият биландавом эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2013

ресурс марказларини ташкил қилиниши ҳамда уларни веб-сайтларини интернет тармоғига қўйилишини келтириш мумкин.

Шунингдек, Олий таълим тизимини автоматлаштириш борасида бир қатор ДТлар яратилган. Лекин, мавжуд ДТ маълумотлар базаларини умумлаштириш, ягона ахборот маконига айлантириш долзарб муаммолигича қолмоқда. Ривожланган мамлакатлар таълим тизимида қўлланилаётган, йирик компания ва фирмалар томонидан яратилган ДТлардан, таълим тизимида тўғридан-тўғри фойдаланиш таълимга нотўғри ёндашувни келтириб чиқаради. Чунки, ҳар бир давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсати ва таълим тизимини бошқариш усуллари турличадир. Демак, таълим тизими фаолиятдан келиб чиққан ҳолда, ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланиб ДТларни яратиш муҳим аҳамиятга молик.

Шунинг учун мамлакатимизда хизматлар бозорида бугунги кунда муҳим аҳамиятли интерактив хизматлар етакчилик қилиб турган телекоммуникация хизматлари бозорининг молиявий масалаларини комплекс тарзда тадқиқ этиш, бу борада илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурати ушбу мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Инфокоммуникация соҳасидаги мавжуд асосий хизмат турларини ривожланиш истиқболлари ва йўналишлари, корхоналарда молиявий бошқарувни ташкил этиш масалалари бир қатор мамлакатимиз ва хорижлик олим-мутахассислар томонидан тадқиқ этилган.

Бироқ қайд этилган ва бошқа кўпчилик мутахассисларнинг илмий асарларида инфокоммуникация соҳасидаги мавжуд асосий хизмат турларини ривожланиш истиқболлари умумий жиҳатдан тадқиқ этилган ҳамда интерактив хизматлар тушунчасини ва уларни ривожлантиришга бағишланган ишлар.

Битирув малакавий ишнинг мақсади – мамлакатимиз хусусиятларидан келиб чиқиб инфокоммуникация соҳасидаги мавжуд асосий интерактив хизмат турларини ривожлантиришнинг ҳолатини тадқиқ этиш асосида, уни келгусида ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгиланди:

- ахборотлашган жамият шаклланишида телекоммуникациялар тизимининг

ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш;

- инфокоммуникация соҳасидаги мавжуд асосий хизмат турларини ривожланиш истиқболларининг илмий асослари ва ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқиш;

- Ўзбекистонда интерактив хизматларни жорий этиш ва ривожлантириш қонуний-меъёрий асослари ва ривожланиш босқичларини кўриб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида интерактив хизматлари бозорининг ривожланиши белгиловчи асосларини тадқиқ этиш;

- Ўзбекистон миллий иқтисодиётида янги интерактив хизмат турини жорий этиш ҳолатини ўрганиш;

- янги замонавий интерактив хизматларни жорий этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишни тайёрлаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Қонунларидан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Республика Президентининг асарлари ва Фармонларидан, мавзуга алоқадор хорижлик ва маҳаллий олимларнинг китобларидан, Ўзбекистон Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникацион технологиялари давлат қўмитаси ҳамда “Ўзбектелеком” АК ҳисобот материалларидан, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланилди.

1. ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1.Интерактив хизматлар тушунчаси ва унинг моҳияти

“Ахборот–коммуникация технологиялари (АКТ) ҳаётимизнинг барча жабҳаларига изчил кириб бормоқда. Мамлакатимизда ахборотлашган жамият куриш бўйича халқ хўжалиги соҳаларида, ишлаб чиқариш ва таълим тизимида кенг миқёсда ислохатлар олиб борилмоқда. Ахборотлаштириш, замонавий АКТни жадал ривожлантириш ҳамда жамиятнинг барча соҳаларида ундан самарали фойдаланиш

борасида устивор йўналишлар белгиланган”.²

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080 сонли “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 июндаги 200-сонли “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2003 йил 11 декабрдаги 561-ИИ-сонли «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, 2004 йил 29 апрелдаги 611-ИИ-сонли «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги ПК-1730 сонли «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши АКТни соҳаларга сингдириш ва уларни ривожлантириш борасида жадал қўйилган қадамлар ҳисобланади.

Жумладан, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, АКТдан фойдаланган ҳолда жисмоний ва юридик шахслар орасида тезкор мулоқат ва ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, тақдим этиладиган хизматлардан кенг қамровли фойдаланишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августидаги 181-сон «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида «Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари ҳақидаги Низом» ва «Базавий интерактив давлат хизматлари реестри» тасдиқланган.

“Таълим соҳасини компьютерлаштириш ва автоматлаштириш, бошқарувда ахборот технологияларидан фойдаланиш борасида салмоқли ислохатлар амалга оширилмоқда. Жумладан, таълим муассасаларининг ўқув лаборатория ва техник жиҳозлар, компьютерлар, мультимедиа электрон ресурслар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар билан таъминланганлиги ҳамда масофавий таълимни жорий этиш учун

²Ўзбекистон Республикасининг “Алоқа тўғрисида”ги Қонуни. 1992 йил.

етарли асос яратилганлиги бунга яққол мисол бўла олади”.³

Эндиликда ахборотлашган жамият соҳаларида маълумотларга ишлов бериш, қайта ишлаш, мақсадга кўра уларни шакллантириш ва реал вақт оралиғида ўз эгасига етказиб бериш каби махсус хизматларни амалга оширувчи автоматлашган ахборот тизимлари ёрдамида кўрсатиладиган интерактив хизматларларга талаблар кундан-кунга ортиб бормокда.

Интерактив хизмат деганда соҳа ёки ташкилотда кечаётган воқелик ва автоматлаштирилган бошқарув тизими (АБТ) базасидаги ахборотларни эҳтиёжлар асосида фойдаланувчиларга ўзаро мулоқат ёрдамида кенг қамровли етказиб бериш хизмати тушунилади.

Демак, ҳар қандай соҳа ташкилотида тезкор интерактив хизматларни амалга ошириш учун авваламбор, ташкилот техник жиҳозлар, компьютерлар ва уларга мос замонавий дастурий таъминотлар (ДТ) билан таъминланган ҳамда автоматлашган бошқарув тизимига эга бўлиши зарур.

“Хукуматимиз томонидан таълим соҳасининг ривожига, баркамол авлодни юксак-маънавиятли, замонавий билимлар эгаси бўлишига алоҳида эътибор қаратилиши таълим тизимини тубдан янгилаб, жаҳон андозаларига мос равишда ташкил этишга ундамокда”.⁴ 2012 йил февраль ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги ҳалқаро симпозиумда таълим тизимига бўлган эзгу муносабат яққол ўз исботини топганлигини айтиш жоиз. Бугунги ахборотнинг глобаллашуви жараёнида таълим тизимини АКТ билан уйғунликда олиб бориш самарали натижалар бериши айнан ҳақиқат.

Бу соҳада эришилган ютуқлар қаторига Халқ таълими вазирлиги тасарруфида “Ахборот-таълим портали”нинг яратилиши, Мультимедия умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказининг ишга туширилиши, ЗиёНет ахборот-таълим тармоғининг ташкил этилиши ва ҳар бир таълим муассасасида ахборот-ресурс марказларини ташкил қилиниши ҳамда уларни веб-сайтларини Интернет

³Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонуни. 1997 йил.

⁴Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонуни. 1997 йил.

тармоғига қўйилишини келтириш мумкин.

Шунингдек, Олий таълим тизимини автоматлаштириш борасида бир қатор ДТлар яратилган. Лекин, мавжуд ДТ маълумотлар базаларини умумлаштириш, ягона ахборот маконига айлантириш долзарб муаммолигича қолмоқда. Ривожланган мамлакатлар таълим тизимида қўлланилаётган, йирик компания ва фирмалар томонидан яратилган ДТлардан, таълим тизимида тўғридан-тўғри фойдаланиш таълимга нотўғри ёндашувни келтириб чиқаради. Чунки, ҳар бир давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсати ва таълим тизимини бошқариш усуллари турличадир. Демак, таълим тизими фаолиятдан келиб чиққан ҳолда, ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланиб ДТларни яратиш муҳим аҳамиятга молик.

Шу боис, таълим соҳаси фаолиятини тўлиқ автоматлаштириш асосида ягона ахборот-таълим муҳитини яратиш ва уни жорий этиш бугунги куннинг муҳим, долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ОТМлар таълим тизимини бошқаришда ягона ахборот-таълим муҳити тузилмасини яратиш ва ундаги ахборотлар оқимини бошқариш ҳамда уларни ўз эгаларига вақтида етказиш битирув малакавий ишнинг бош мақсади қилиб олинган.

Интерактивлик деганда биз, фақатгина, биз ўрганаётган фан кесимида техник воситалар, компьютер, уларнинг дастурлари ҳамда фойдаланувчилар орасидаги ўрнатилган мулоқатни ташкил этиш тушунилади. Демак, Компьютер дастурлари шундай яратилганки, Биз у ёрдамида компьютер билан мулоқат ўрнатамиз.

Умуман олганда интерактивлик бу мулоқат тизимини ташкил этиш билан боғлиқ. Яъни, мақсадга кўра тизим элементлари орасидаги ахборий маълумотлар алмашинуви. Ушбу тушунча ахборот назарияси, информатика ва дастурлаш, телекоммуникация тизимлари, социология ва бошқа соҳаларда қўлланилади.

Интерактивлик орқали фойдаланувчи моддий, маънавий, ижтимоий, иқтисодий ишлаб чиқаришнинг турли манбаларидан кўриладиган манфаат мавжуд бўлса, унга интерактив хизмат қилинган деб тушунилади. Яъни, компьютер дастурлари орқали фойдаланувчига интерактив хизмат ташкил этилган деб тушунилади.

1.2. Ўзбекистонда интерактив давлат хизматларини жорий этишнинг

хукукий асослари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 8 июлдаги ПҚ-117-сон қарорини бажариш юзасидан, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш воситасида жисмоний ва юридик шахслар билан тезкор ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлардан кенг фойдаланилишини таъминлаш мақсадида “Вазирлар Маҳкамаси томонидан қуйидагилар асосий вазифа қилиб белгиланди:

- ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги Низом;
- базавий интерактив давлат хизматлари реестри;
- интерактив давлат хизматлари реестрини юритиш Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига юклатилган”.⁵

Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

- ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари кўрсатилишини таъминлаш тадбирлари режаларини ишлаб чиқдилар ва тасдиқладилар;
- интерактив давлат хизматлари кўрсатиш ва кўрсатилаётган ана шундай хизматларни кенгайтириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг интерактив давлат хизматларидан сифатли фойдаланишини таъминлайди;
- ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш йўли билан давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг

⁵Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 6 июндаги ПҚ-200-сон “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқдилар;

- Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига кўрсатилаётган интерактив давлат хизматлари бўйича ахборот, шунингдек мўлжалланаётган интерактив давлат хизматлари бўйича таклифларни ишлаб чиқдилар ҳамда уларни Интерактив давлат хизматлари реестрига киритиш учун тақдим этдилар.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси заруриятга кўра вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига базавий интерактив давлат хизматлари реестрига ўзгартиришлар киритишга доир умумлаштирилган таклифлар киритади.

Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришни мувофиқлаштирувчи кенгаш ўз мажлисларида давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари кўрсатиш, шу жумладан давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг электрон ҳужжатлар айланиши тизимларини жорий этиш ва ахборот тизимларини интеграциялаш ишларининг, аҳволини мунтазам равишда кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 8 июлдаги ПҚ-117-сон қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сон қароригамувофиқ давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти (кейинги ўринларда «идоралар» деб юритилади) томонидан юридик ва жисмоний шахсларга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда хизматлар кўрсатиш тартиби ва шартларини белгилаб беради.

Идоралар томонидан идораларнинг ахборот тизимлари воситасида телекоммуникациялар тармоғи орқали жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган хизматлар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизмати кўрсатиш ҳисобланади. Идоралар томонидан

интерактив давлат хизматлари кўрсатиш учун тегишли ахборот ресурслари ташкил этилиши зарур. Идораларнинг интерактив давлат хизматлари кўрсатиш учун ташкил этиладиган ахборот тизимлари ягона стандартлар ва талаблар асосида ўзаро ҳамкорлик қилиши керак.

Автоматлаштирилган ахборот бўйича ўзаро ҳамкорликни таъминлаш мақсадида идоралар томонидан ахборот айирбошлаш бўйича ягона давлат стандартлари ва талаблари асосида ахборот тизимлари ташкил этилади.

Интерактив давлат хизматларини кўрсатиш қуйидагилардан иборат:

- ахборот айирбошлаш ва тарқатиш тезкорлиги даражасининг ўсиши ҳисобига давлат функцияларини бажариш самарадорлиги ва тезкорлигини ошириш;

- сўровларни пухта ишлаш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича давлат функциялари ижро этилиши устидан назоратни кучайтириш;

- идораларнинг юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлиги даражасини ошириш;

- идораларнинг юридик ва жисмоний шахслар ҳамда бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигига сарфланадиган чиқимларни қисқартириш;

- аҳолининг давлат бошқарувида янада фаол иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида идоралар фаолиятининг очиқ-ошкоралиги даражасини ошириш;

- ахборот айирбошлашнинг янги механизмларига ўтишга йўналтирилган.

Интерактив давлат хизматлари кўрсатиш шарт-шароитлари қуйидагилардан иборатдир:

- интерактив давлат хизматлари умумий фойдаланиладиган, фойдаланиш қулай ҳамда барча қатламлар ва гуруҳлар фойдаланувчиларининг устуворликлари ва эҳтиёжларига мувофиқ бўлиши ҳамда интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш энг юқори даражада тез ва қулай усулда таъминлаш;

- интерактив давлат хизматларидан кафолатли ва хавфсиз фойдаланиш идоралар томонидан таъминлаш;

- интерактив давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида тақдим этиладиган ахборот долзарб, ишончли ҳамда рухсатсиз фойдаланиш, йўқ қилиш, бузиш,

блокировка қилишдан ҳимояланган ва қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

- идораларнинг интерактив давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган ахборот тизимлари қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Интерактив давлат хизматлари:

- умумий фойдаланиладиган ахборотни эълон қилиш тегишли ахборот тизимлари, шу жумладан интернет орқали давлат ахборот ресурсларидан фойдаланиш бўйича хизматларни реализация қилиш;

- бир томонлама ўзаро ҳамкорлик — электрон шаклдаги ҳужжатларнинг ҳар хил формулярларидан фойдаланиш имкониятини бериш;

- икки томонлама ахборот айирбошлаш — сўров бўйича қабул қилиш, таҳлил (кўриб чиқиш) ва жавоб юборишни ўз ичига оладиган идора хизматлари (буюртманомалар ва мурожаатларни тақдим этиш, уларни қайта ишлаш натижаларини тақдим этиш ва ёки бериш);

- электрон шаклдаги маълумотлар тўлиқ айирбошланишини амалга ошириш, шу жумладан хизматлар кўрсатиш ва уларга ҳақ тўлаш шаклида кўрсатилиши мумкин.

Интерактив давлат хизматлари фойдаланувчи томонидан идора билан ўзаро ҳамкорлик қилиш доирасида ёки бир нечта идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида амалга оширилади ва кўрсатилади. Интернетнинг умумий фойдаланиладиган тармоғи воситасида кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари фақат идораларнинг расмий сайтлари орқали, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали орқали кўрсатилади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган базавий интерактив давлат хизматлари мажбурий ҳисобланади ва идоралар томонидан бепул кўрсатилади, кўрсатилганлиги (расмийлаштирилганлиги) учун қонун ҳужжатларига мувофиқ йиғимлар, божлар ва бошқалар шаклида тўлов назарда тутилган хизматлар бундан мустасно. Қўшимча интерактив давлат хизматлари идоралар томонидан мустақил белгиланади ва пулли асосда кўрсатилиши мумкин.

Қўшимча интерактив давлат хизматлари кўрсатилишидан олинган маблағлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорига мувофиқ давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан сарфланади. Интерактив давлат хизматлари кўрсатиш тартиби, шартлари ва муддатлари ҳар бир идора томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган регламент билан белгиланади.

Регламентда қуйидаги асосий қоидалар мавжуд бўлиши керак:

- кўрсатилаётган хизматларнинг таркиби ҳамда мазмуни аниқ ва ёрқин ифодаланган бўлиши;
- хизматлар кўрсатиш тури, шакли ва усули, кутилаётган аниқ натижа;
- хизматлар кўрсатиш муддати;
- зарурият бўлганда, хизматлар кўрсатиш қиймати;
- идора ёки мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан шикоят қилиш тартиби ва муддатлари.

Идоралар томонидан қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар белгиланиши мумкин.

Интерактив давлат хизматлари реестрини юритиш:

- интерактив давлат хизматларидан фойдаланишда фойдаланувчи-ларга қулайлик яратиш;
- интерактив давлат хизматларини оқилона ривожлантириш;
- электрон ҳужжатлар айланиши тизимларининг ўзаро алоқасини таъминлаш;
- янги интерактив давлат хизматларини жорий этиш ва ривожлантириш мақсадида амалга оширилади.

Интерактив давлат хизматлари реестрини юритиш Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси интерактив давлат хизматлари реестрининг шакллантирилиши, фойдаланилиши, ўз вақтида қўллаб-қувватланиши ва янгиланишини таъминлайди.

Ахборот ресурслари ташкил этиш ва интерактив давлат хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар давлат хизматлари кўрсатадиган давлат бошқаруви ва

махаллий давлат ҳокимияти органлари учун Давлат бюджетида назарда тутилган маблағлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига қопланади.⁶

Базавий интерактив давлат хизматларига қуйидагилар киради:

1. Вазирлар Маҳкамаси, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида:

- Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тузилмаси, таркиби, функциялари ва асосий фаолияти, уларда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш;
- Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш.

2. Адлия вазирлигида:

- туғилганликни, ўлимни, никоҳни рўйхатдан ўтказиш, никоҳни бекор қилиш, оталикни белгилаш, фарзандликка олиш, фамилияни, исмни ва ота исмини ўзгартириш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш;
- Ўзбекистон Республикаси ФХДЎ ҳудудий органлари рўйхатини тақдим этиш;
- Давлат нотариал идоралари реестри тўғрисида маълумотлар тақдим этиш;
- Адвокатлар, шунингдек адвокатлик бюрolari, адвокатлик фирмалари, адвокатлар ҳайъатлари, юридик маслаҳатхоналар реестри тўғрисида маълумотлар тақдим этиш;
- Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар бирлашмалари реестри тўғрисида маълумотлар тақдим этиш;
- Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатига олиш реестри тўғрисида маълумотлар тақдим этиш;
- Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестри тўғрисида маълумотлар тақдим этиш.

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигида:

⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 февралдаги ПҚ-1487-сон “2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари негизида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари кўрсатишни сифат жиҳатидан ривожлантиришни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

- Мактабгача таълим, умумий таълим, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим тизимлари тўғрисида ахборотлар, Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртлари, академик лицейлари, касб-хунар коллежлари ва мактаблари рўйхатини тақдим этиш;

- Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларига ўқишга кириш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш.

4. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида:

- Бандлик масалалари бўйича ахборотлар тақдим этиш.

5. Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари

Пенсия жамғармасида:

- Пенсия ва нафақаларни расмийлаштириш масалалари бўйича ахборотлар тақдим этиш;

- Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ахборотлар тақдим этиш.

6. Ички ишлар вазирлигида:

- Транспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш ва техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида ахборотлар тақдим этиш;

- Юридик ва жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш юзасидан аризаларини кўриб чиқиш.

7. «Ўзкоммунхизмат» агентлигида:

- Ўзбекистон Республикасида коммунал хизматлар кўрсатишда иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши тўғрисида ахборотлар тақдим этиш.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлигида:

- Фуқароларга тиббий хизматлар кўрсатиш тартиби ва уларни ташкил этиш тўғрисида ахборотлар тақдим этиш;

- Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими давлат муассасалари томонидан бепул тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш;

- Рўйхатдан ўтказилган дори-дармонлар тўғрисида ахборотлар тақдим этиш;

- Давлат санитария-эпидемиология назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш;

- Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ўқув муассасалари тўғрисида ахборотлар

тақдим этиш;

- Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ўқув юртларига ўқишга кириш ва ўқиш учун давлат грантлари бериш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш;

- Соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш;

- Ота-оналар учун болаларни режали вакцинация ва тиббий кўриқдан ўтказиш зарурияти тўғрисида ахборотлар тақдим этиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида:

- Солиқ тўловчининг сўровига кўра бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаси билан ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисида ахборотлар тақдим этиш;

- Солиқ тўловчининг сўровига кўра назорат органларининг тегишли давр учун хўжалик юритувчи субъектларни текшириш режа-жадвалидан кўчирмалар бериш;

- Солиқ тўловчини рўйхатдан ўтказиш юзасидан аризаларини қабул қилиш ва шахсий тартиб рақамларини бериш ҳамда солиқ тўловчининг рўйхатдан ўтказиш маълумотларини ўзгартириш (фақат шаҳар ва туманлар ҳузуридаги рўйхатдан ўтказувчи органлар, шунингдек минтақавий адлия органлари учун);

- Солиқ солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида ахборотлар тақдим этиш;

- Электрон солиқ ҳисоботини қабул қилиш ва қайта ишлаш, электрон солиқ ҳисоботини жўнатиш бўйича хизматлар кўрсатиш;

- Электрон солиқ декларацияларини қабул қилиш ва уларни умумлаштириш;

- Солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ўзаро ҳисоб-китоблари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш ;

- Хусусий тадбиркорларни текшириш натижалари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида:

- Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг амалда қарор топган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш;

- Корхоналар ва ташкилотларнинг давлат регистрга доир ахборотлар тақдим этиш;

- Давлат статистика ҳисоботлари бланкалари шакллари тақдим этиш;
- Статистик классификаторлар бўйича ахборотлар тақдим этиш;
- Электрон аризаларни қабул қилиш ва улар билан ишлаш, шунингдек Интернет тармоғи орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайтида очик фирма номларини захиралаш ва вақтинча сақлаш;

- Электрон статистика ҳисоботларини қабул қилиш ва улар билан ишлаш, Интернет тармоғи орқали электрон рақамли имзолардан фойдаланган ҳолда электрон статистика ҳисоботлари юбориш хизматлари кўрсатиш.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида:

- Декларантлардан декларацияларнинг электрон нусхаларини қабул қилиш ва қайта ишлаш;

- Товарларни ишлаб чиқарувчилардан олинган товарларнинг айрим турлари экспорт нархлари бўйича ахборот бериш;

- Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатуралари рўйхатини тақдим этиш;

- Божхона брокерлари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш;

- Мажбурий сертификатланиши лозим бўлган товарлар тўғрисида ахборотлар тақдим этиш.

12. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Марказий банкларда:

- Бизнесни режалаштириш ва бошқариш, тадбиркорликни ривожлантиришни молия-кредит бўйича қўллаб-қувватлаш масалаларига доир ахборотлар тақдим этиш;

- Тадбиркорликни лицензиялаш ва давлат томонидан тартибга солиш масалалари бўйича ахборотлар тақдим этиш.

13. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида:

- Мол-мулк сотиладиган иқтисодий ночор хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисида ахборот.

14. Давлат мулк қўмитаси, Марказий банк, Молия вазирлигида:

- Қимматли қоғозлар бозори, банк ва суғурта секторлари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш;

- Коммунал хизматлар учун тарифларни шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш.

15. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида:

- Ташқи савдо статистикаси бўйича ахборотлар тақдим этиш;

- Инвестиция лойиҳалари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, инвестиция таклифларини қабул қилиш;

- Давлат электрон харидларини ташкил қилиш тўғрисида ахборотлар тақдим этиш.

16. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, «Ўзбекистон темир йўллари», «Ўзавтойўл» ДАКларда:

- Мамлакатнинг транспорт-коммуникация комплекси: автомобиль йўллари ва темир йўллар, фуқаро авиацияси тўғрисида ахборотлар тақдим этиш.

17. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАКда:

- Йўловчи ташиш темир йўл ва авиация транспорти қатновлари жадвалини, вокзалларнинг маълумотлар бериш хизматлари рўйхатини тақдим этиш.

18. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасида:

- Телекоммуникацияларнинг универсал хизматлари тарифлари, Ўзбекистон Республикаси почта индекслари рўйхати, Ўзбекистон Республикаси телефон рақамлари зоналар кодлари, мамлакатлар кодлари, давлат органлари сайтлари рўйхати ва манзиллари бўйича ахборотлар тақдим этиш;

- Рўйхатдан ўтказилган Давлат ахборот ресурслари ва тизимлари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш;

- Лицензиялар олиш юзасидан аризалар қабул қилиш;

- Радиочастоталарнинг тақсимланиши бўйича ахборот бериш;

- Давлат органларининг интерактив давлат хизматлари тўғрисида ахборот бериш;

- Абонентнинг стационар телефон алоқаси хизматларидан

фойдаланганлик учун ҳисоб-китоби ҳолати, шунингдек унинг қарздорлиги тўғрисида ахборотлар тақдим этиш;

- Абонентнинг Интернет тармоғи хизматларидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоби ҳолати, шунингдек унинг қарздорлиги тўғрисида ахборотлар тақдим этиш ;

- Жўнатувчиларга ва олувчиларга хатлар ва бандероллар етказиб берилганлиги тўғрисида ахборотлар тақдим этиш ;

- Дастурий маҳсулотларнинг миллий ишлаб чиқувчилари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш.

19.Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлигида:

- Миграция ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш масалалари бўйича ахборотлар тақдим этиш;

- Келаётган чет элликларга визалар бериш, уларни вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш ва вақтинчалик рўйхатдан ўтказишни узайтириш, доимий яшаш учун рухсатномалар олиш, бирон жойда яшаш ҳужжати, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш тартиботлари бўйича, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш борасидаги чеклашлар тўғрисида ахборотлар тақдим этиш.

20.Ташқи ишлар вазирлигида:

- Ўзбекистон Республикасидаги чет эл элчихоналари, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларнинг дипломатик миссиялари ва ваколатхоналари, Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги элчихоналари рўйхатини тақдим этиш;

- Виза анкеталарини электрон тарзда қабул қилиш.

21. «Ўзархив» агентлигида:

- Давлат архиви фондларидан ахборотлар тақдим этиш.

22. Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасида:

- Илм-фан, таълим, ахборот ва маданият бўйича қизиқишларни тезкорлик билан қондиришга йўналтирилган замонавий ахборот технологиялари асосида аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга доир ахборотларни, Ўзбекистон

Республикасининг ахборот ресурслари ва ахборот-кутубхона марказлари, шунингдек ихтисослаштирилган кутубхоналари рўйхатини тақдим этиш.

23. Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида:

- Ер ресурслари бўйича ахборотлар тақдим этиш;

- Қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ахборотлар тақдим этиш;

- Ер участкаларига ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилинаётган ҳужжатлар тартиби ва таркиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш;

- Бинолар ва иншоотларга ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилинаётган ҳужжатлар тартиби ва таркиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш.

24. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида:

- «Тошкент» халқаро аэропортидаги самолётлар қатнови жадвали, рейслардаги мавжуд ўринлар сони, авиакомпания томонидан кўрсатиладиган хизматлар тарифлари, рўйхати, самолётларнинг келиш ва кетиш вақти таблоси;

- Авиакомпания томонидан реал вақт режимида кўрсатилаётган хизматлар сифатини аниқлаш учун анкета;

- «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг авиачипталарини банд қилиш ва сотиш, шунингдек банд қилиш ва сотишни амалга ошириш бўйича ахборотлар тақдим этиш ;

- Авиакомпаниянинг маҳаллий, халқаро рейсларга бериладиган имтиёзлар, чегирмалар ҳамда уларни қўллаш қоидалари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш.

25. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида:

- Автомобиль транспортида йўловчилар ва юк ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш бўйича ахборот тақдим этиш.

26. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида:

- Янги илмий лойиҳалар бўйича танловга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасаларида бажарилган илмий ишланмалар тўғрисидаги аризаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби ҳақида ахборот бериш.

27. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банкларида:

- Кредит ташкилотлари (банклар, кредит уюшмалари, ломбардлар, микрокредит ташкилотлари), шунингдек қимматли қоғозлар бланкаларини тайёрлаш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахслар тўғрисида ахборот бериш;

- Банк фаолиятини амалга ошириш учун тижорат банкларини лицензиялаш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш ;

- Кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ҳамда ломбардлар фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш бўйича ахборотлар тақдим этиш;

- Кредитлар, микрокредитлар бериш бўйича, шунингдек халқаро молия ташкилотлари ва хорижий банкларнинг кредит линиялари тўғрисида ахборот тақдим этиш;

- Банк омонатлари бўйича ахборот бериш;

- Банк карталари бериш бўйича ахборот тақдим этиш;

- Карточкалар, терминаллар, банкоматлардан фойдаланиш, терминалларни ўрнатиш, таъмирлаш ва алмаштириш бўйича ахборот бериш.

28. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасида:

- Илмий лойиҳалар танловига берилаётган буюртманомаларни рўйхатдан ўтказиш;

- Инновацион илмий ишланмалар, илмий лойиҳалар танловлари, шунингдек илмий ва илмий-техник тадбирлар режалари тўғрисида ахборот бериш;

- Инновацион маҳсулотлар ярмаркасида қатнашиш учун буюртманомаларни рўйхатдан ўтказиш;

- Илмий-тадқиқот ишларни бажариш натижаларини электрон рўйхатга олиш.

29. Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази:

- Қимматли қоғозларнинг чиқарилиши, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисида ахборот бериш.

30. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази:

- Пахта маҳсулотлари ташқи кўриниши стандарт намуналарига буюртмалар қабул қилиш тўғрисида ахборот бериш.

31. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси:

- Аэропортларда ҳаво ташувларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш бўйича ахборот тақдим этиш;

- Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ва экспериментал авиация аэродромларини сертификатлаш бўйича ахборотлар тақдим этиш ;

- Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ҳаво кемаларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ахборотлар тақдим этиш;

- Ўзбекистон Республикасининг ҳаво кемалари эксплуатантларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ахборотлар тақдим этиш ;

- Авиация техникаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотларини сертификатлаш бўйича ахборотлар тақдим этиш;

- Ўзбекистон Республикасига мунтазам равишда парвозларни бажариш учун хорижий авиаташувчиларга фойдаланиш рухсатномаларини бериш бўйича ахборотлар тақдим этиш.

32. Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси;

- Ички ва халқаро йўналишларда темир йўл транспортида юк ва йўловчилар ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия бериш юзасидан ахборот тақдим этиш;

- Юридик шахсларга объектларни, маҳсулотлар ва технологияларни уларнинг белгиланган стандартларга мувофиқлиги юзасидан берилган қабул қилиш ҳулосалари бўйича ахборот бериш.

33. Давлат дон инспекцияси:

- Ғаллани, дуккакли донларни, ёғли экинлар ҳосилини ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларини сертификатлаш, ғаллани ва уни қайта ишлаш маҳсулотларини текшириш тартиби, ушбу тармоқда синов воситаларини метрологик аттестациядан ўтказиш тўғрисида ахборот бериш.

34. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси:

- Истеъмол объектларининг энергия таъминоти лойиҳаларини келишиб олиш

бўйича ахборот бериш.

35. «Ўзбеккино» миллий агентлиги:

-Давлат киностудиялари томонидан тайёрланган аудиовизуал асарлар тўғрисида ахборот бериш;

-Кино, видеомаҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва прокатга бериш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия бериш юзасидан ахборот тақдим этиш.

36. Ўзбекистон миллий кутубхонаси;

-Электрон каталогдан, миллий ва хорижий электрон ресурслардан фойдаланишга рухсат бериш, адабиётларга буюртма бериш.

37.«Тошшаҳартранс-хизмат» уюшмаси;

- Шаҳар транспорти йўналишлари тўғрисида ахборот бериш;

-Шаҳар йўловчи транспортида юриш учун ойлик йўл карточкалари турлари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш.

38.«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси:

-Электрон темир йўл чипталарини банд қилиш ва сотиш хизматлари кўрсатиш, поездларда йўл ҳақи нархи тўғрисида ахборот бериш;

-Ўзбекистон Республикаси ҳудудида темир йўлда юришда имтиёзлар тўғрисида ахборот бериш.

39.«Ўзбекнефтгаз» МХК:

-Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар учун табиий газдан фойдаланиш тарифлари ҳамда табиий газ билан таъминлаш тармоқларига сервис хизмати кўрсатиш учун аризаларнинг электрон шакллари тўғрисида ахборот бериш;

-«Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси заводларида ишлаб чиқарилаётган нефть маҳсулотлари рўйхатини тақдим этиш.

40.«Олмалиқ КМК» АЖ:

-Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, шу жумладан истеъмол товарлари, шартномаларнинг намунавий шакллари, истеъмол товарларининг доимий янгилаб бориладиган прайс-варақлари тўғрисида ахборот бериш;

- Рух ва кўрғошин концентратини қайта ишлаш хизматлари кўрсатиш, етказиб бериладиган концентрат сифатига, намунавий контракт шаклига қўйиладиган талаблар тўғрисида ахборот бериш.

41. «Ўзқишлоқхўжалик-машлизинг» компанияси:

- Лизинг хизматлари тўғрисида ахборот бериш;

- Суғуртачилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тартиби, шунингдек лицензия олиш учун тегишли бланкалар ва аризаларнинг электрон шакллари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш.

42. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги :

- Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш тартиби, шунингдек лицензия олиш учун тегишли бланкалар ва аризаларнинг электрон шакллари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш;

- Малака сертификатига эга бўлган аудиторлар тўғрисида ахборотлар тақдим этиш ;

- Монополистик корхоналар ва табиий монополиялар субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар)га нархлар (тарифлар)ни декларациялаш (тасдиқлаш) учун аризалар қабул қилиш.

43. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги :

- Мактабларнинг 9-синфлари битирувчиларини ўрта махсус, касб-хунар коллежларида ўқишга қамраб олиш тўғрисида ахборотлар тақдим этиш.

44. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари:

- Банк хизматлари олиш учун зарур бўлган махсус аризалар ва бошқа шаблонлар шакллариини электрон шаклда тақдим этиш;

- Банк счётларини масофадан хизмат кўрсатиш тизимига улаш шартлари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш ;

- Банк счётларининг масофадан хизмат кўрсатиш тизими орқали шахсий счётлар бўйича қолдиқлари ва маблағлар айланиши, берилган кредитларни қайтариш ҳамда мижозларнинг омонатлари бўйича ҳисобланган фоизлар тўғрисида ахборотлар тақдим этиш.

45. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлатқўмитаси:

- Жисмоний ва юридик шахсларнинг баҳолаш, биржа ва риэлторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузувчилар тўғрисида ахборотлар тақдим этиш;

- Низоли вазиятларда суд сўровномалари бўйича материалларни баҳолашни экспертизадан ўтказиш эксперт комиссиялари ва экспертлар таркиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш;

- Давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда (устав капитали 500 млн сўмдан ортиқ бўлган очик акциядорлик;

- жамиятлари, банклар ва суғурта ташкилотларидан ташқари) ташқи аудитни ўтказишига рухсат берилган аудиторлик ташкилотлари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш;

- Баҳолаш ташкилотлари ва биржалар, риэлторлик фаолияти учун лицензиялар бериш учун ариза бланкалари, шунингдек баҳоловчининг малака имтиҳонидан ўтиш ҳамда жисмоний шахсларнинг биржа савдоларида профессионал иштирокчилар сифатида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига аттестациядан ўтиш учун тўлдирилаётган анкеталар тақдим этиш;

- Ўзбекистон Республикасида баҳоловчилар ва биржа савдоларининг профессионал иштирокчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланаётган мавжуд ўқув марказлари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш;

- Жисмоний шахсларни биржа савдолари иштирокчилари сифатида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини олиш учун аттестациядан ўтказиш тартиби ва жадвали ҳамда ўтказилган тест натижалари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш ;

- Баҳоловчиларни малака имтиҳонидан ўтказиш тартиби ва жадвали ҳамда ўтказилган тест натижалари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш;

4475-ПФни қабул қилинишидан мақсад:

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини тубдан такомиллаштириш ва бошқарув даражасини ошириш;

соҳада ва иқтисодиёт тармоқларида замонавий ахборот ва телекоммуникация технологияларини жаҳон стандартлари даражасида ривожлантириш ва жорий этиш;

аҳолига ахборот ресурслари, шу жумладан Интернет тармоғидан фойдаланиш учун қулайликларни кенгайтириш мақсадида қисқартирилаётган ЎзААА негизида ЎзР ААТТДҚ ташкил этилди.

Соҳа олдида қўйилган асосий вазифалари:

- ахборотлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсати юритилишини таъминлаш;
- замонавий АТТни жорий этиш бўйича миллий дастурлар ишлаб чиқирилишини ва амалга оширилишини таъминлаш;

- ахборотни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш;
- умум қабул қилинган халқаро норма ва стандартларга мувофиқ соҳада қонунчиликни ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш;
- ахборот ресурслари, ахборот тизимлари ва тармоқлари, дастурий маҳсулотлар ва хизматлар бозорини жадал ривожланишини таъминлаш;
- телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш (инфратузилмалар, мобил, йўлдошли алоқа, РТ, РЭ, КПУ);
- давлат бошқарув органларида ва иқтисодиёт соҳаларида АКТдан фойдаланишни таъминлаш;
- Давлат ахборот ресурслари ва маълумотлар базасини ягона сақлаш ва фойдаланиш тизимини яратиш;
- “электрон ҳукумат” асосида электрон ҳужжат айланишини таъминлаш;
- АКТ соҳасида инвестиция сиёсатини шакллантиришда иштирок этиш;
- Интернет тармоғининг Миллий сегментини шакллантириш, маҳаллий веб-ресурсларни яратиш;
- маҳаллий дастурий маҳсулотларни ривожлантириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш ва кўмак бериш;
- телекоммуникация тармоқларида, ахборот тизимлари ва телерадиоэфирда ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
- кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- турли йўналишларда халқаро ҳамкорлик.

2. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ

ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1.Интерактив хизматлар турлари ва уларни таснифлаш

Ҳозирги вақтда Республикамиз томонидан интерактив хизматларни шакллантириш, ташкил этиш ва уларни бошқаришга катта эътибор берилмоқда. Интерактив хизматларни ташкил этишнинг энг тез ва яхши йўли, бу, уларни интернет тармоқлари орқали амалга ошириш ҳисобланади (2.1.1-рамда).



2.1.1-расм. Ягона интерактив давлат хизматлари портали⁷

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 февралдаги 1920-фармони билан тасдиқланган "Обод турмуш йили Давлат дастури" ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чоратadbirlари тўғрисида"ги 2012 йил 30 декабрдаги 378-қарори ижросини таъминлаш мақсадида шу йилнинг 1 июлида республикамызда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (Ягона портал) давлат ва рус тилларида тест тартибиди ишга туширилди (www.my.gov.uz).

Ягона порталнинг шиори - "Хизматлар янги қиёфада" деб номланади ва у давлат органлари томонидан кўрсатиладиган, шу жумладан, пуллик асосда

⁷www.my.gov.uz – Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат порталиданолинган ҳолда муаллиф томонидан тузилган.

кўрсатиладиган интерактив давлат хизматларидан еркин фойдаланишнинг ягона нуқтаси ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ягона портал фойдаланувчиларнинг интерактив давлат хизматлари тўғрисидаги маълумотлардан еркин фойдаланишини, шунингдек, электрон шаклда давлат хизматлари кўрсатишни таъминловчи интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталидаги маълумот-ахборот ресурси ҳамдир.

Ягона портал:

- жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хизматлари ва функциялари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишни;

- фойдаланувчиларга электрон шаклда маълумотлар айирбошлаш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг интеграцияланган интерактив давлат хизматларидан, шу жумладан, пуллик асосда фойдаланишнинг ягона нуқтаси орқали сўровларни расмийлаштириш имкониятлари берилишини;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг Ягона портал фаолияти билан боғлиқ сўровлари ва мурожаатларини ҳисобга олиш, шу жумладан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг интерактив давлат хизматлари кўрсатиш сифати мониторинги олиб борилишини таъминлайди.

Ягона порталнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- фойдаланувчиларга давлат органларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш учун имконият бериш;

- фойдаланувчиларни ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги бошқа лойиҳалар билан интеграциялаш;

- фойдаланувчиларнинг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш;

- давлат органларига мурожаат қилинганда фойдаланувчилар учун бюрократик тўсиқларни қисқартириш ва уларни бартараф этиш;

- "Электрон ҳукумат"ни янада ривожлантириш ва давлат бошқарувида замонавий ахборот технологияларини жорий этишда кўмаклашиш.

Ягона порталдаги маълумотлардан барча фойдаланиши мумкин, аммо давлат органларига мурожаат юбориш ёки баъзи хизматлардан фойдаланиш учун фойдаланувчилар ID.UZ ягона идентификация тизимида (www.uz) рўйхатдан ўтишлари лозим.

Ягона портал орқали фойдаланувчиларга ахборот хизматлари, бир томонлама ва икки томонлама шаклдаги интерактив давлат хизматлари, шунингдек, кейинчалик транзакцион хизматлар кўрсатилади.

Ҳозирги кунда Ягона портал орқали фойдаланувчиларга кундалик турмушга таълуқли соҳа ва йўналишларни ўз ичига олувчи 40дан ортиқ интерактив хизматлар тақдим этилмоқда. Уларнинг ичида автоматик тарзда тақдим этиладиган "Юридик ва жисмоний шахслар учун интернет ва стационар телефон улаш учун аризаларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш" ва "Давлат солиқ хизматлари органлари томонидан солиқ қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома олиш учун аризаларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш", "Телекоммуникация соҳасига тегишли лицензияларни олиш бўйича аризаларни қабул қилиш" каби хизматлар мавжуд. Бундан ташқари, тадбиркорлар учун тегишли лицензияларни олиш учун аризаларни электрон равишда юбориш хизматлари ҳам жорий этилган.

Ягона порталда асосий эътибор фуқаролардан юборилган мурожаатларни кўриб чиқишга қаратилган. Ушбу ресурс орқали юридик ва жисмоний шахслар давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўз мурожаатларини юборишлари мумкин.

Фойдаланувчи бир вақтнинг ўзида бешта давлат органига ўз мурожаатини юбориши ва мурожаатига давлат органидан электрон шаклда ёки ёзма равишда жавоб олиши мумкин.

Давлат органлари фуқаролардан Ягона портал орқали мурожаат олганларидан сўнг, уни амалдаги қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқади.

Ягона порталнинг яна бир асосий ва зарур бўлган жиҳатларидан бири, бу — "Статистика" модулидир. Ушбу модул орқали давлат органи томонидан фойдаланувчининг мурожаат ва аризалари билан ишлаш жараёни статистикасини реал вақт тарзида кўриб чиқиш ва кузатиш мумкин. Ушбу модул давлат органлари фаолиятининг очлиги ва шаффофлиги даражасини ошириш, аҳоли ва давлат

органлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган (2.1.2-расм).



2.1.2-расм. Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ташкилотлар бўлими⁸

Ҳозирги кунга қадар давлат органларига фойдаланувчилардан жами 572та мурожаат тақдим этилди. Улардан 225 таси (39%) қайта ишлаш жараёнида, 347 таси (61%) эса кўриб чиқилган ва фойдаланувчиларга тегишли жавоблар юборилган. Давлат органларига юборилган мурожаатларнинг аксарияти (98 фоиз) фуқаролардан йўлланган, бу кўрсаткичлар (2.1.3-расм)да келтирилган.

⁸ www.miy.gov.uz – Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат порталидан олинган ҳолда муаллиф томонидан тузилган.



2.1.3-расм. Давлат органларига фойдаланувчилардан жами мурожаатлар⁹

Ягона портал яратувчилари юборилган мурожаатларнинг сони бўйича давлат ташкилотларининг рейтингини тақдим этдилар. Ҳозирги кунда фойдаланувчилар томонидан энг кўп мурожаат юборилган давлат органларининг рейтингини қуйидагича:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ Қўмитаси
2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги
3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
4. Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси
5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги.

Ягона портални янада ривожлантириш мақсадида шу кунларда унда янги хизмат жорий этилди, яъни Ягона порталда ишонч телефонлари ишлай бошлади (2.1.4-расм).

⁹ www.mty.gov.uz – Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат порталидан олинган ҳолда муаллиф томонидан тузилган.



2.1.4-расм. Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги ишонч телефонлари¹⁰

Энди у ёки бу масала бўйича мутассадди ташкилотларга мурожаат этиш зарурати бўлса, фойдаланувчилар Ягона порталдаги ишонч телефонларидан фойдаланишлари мумкин. Бу хизмат ҳам аҳоли учун жуда зарур бўлиб, вақтни тежаш, муаммони тезкор ҳал этиш, керакли маслаҳат ва тавсияларни тез олиш имконини беради.

Фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида улар давлат органларидан ўз мурожаатлари бўйича қоникарсиз жавоб олганларида уларга Ягона портал маъмуриятига шикоят қилиш имконияти яратилган. Фуқаро шикоятни давлат органи томонидан берилган жавобдан қонимаган тақдирда, масалан, унинг мурожаатига қўпол равишда ёки расмийчилик юзасидан жавоб берилган бўлса ёки чалкаш, тугалланмаган ва қўшимча саволлар туғдирувчи жавоблар бўлган ҳолатларда ёзиши мумкин. Ягона портал маъмурияти ўз томонидан ҳозирча шикоят қилинган давлат органига мурожаат этиб, шикоятлар билан ишламоқда, лекин кейинчалик шикоятлар ҳар бир давлат органининг юқори турувчи ташкилотига

¹⁰ www.my.gov.uz – Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат порталидан олинган ҳолда муаллиф томонидан тузилган.

юборилади ва ҳар бир шикоят, ўз навбатида, давлат органи фаолиятини баҳолашга ўз таъсирини кўрсатади.

Шак-шубҳасиз, ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши мамлакатимизда "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш ва ривожлантириш йўлида қўйилган яна бир муҳим қадам ҳисобланади.

Интернет тармоғи орқали кўрсатиладиган интерактив хизмат турларига қуйидагилар киради:

1. Транспорт воситаларнинг ҳаракатланиш жадвали. Республикадаги транспорт воситаларини ҳаракатларини ифодалаш жадвали бир нечта сайтларда берилган. Фойдаланувчи сайтдан ўзига мақул транспорт воситаларини катнови жадваллари ҳақидаги маълумотларни топади. Қуйида ушбу веб саҳифалардан намуналар (2.1.5-расм) келтирилган:



2.1.5-расм. Ўзбекистон транспорт катнови рейс жадваллари саҳифаси¹¹

<http://www.oreksa.com>— сайёҳлар учун мўлжалланган веб саҳифа;


<http://www.tshtx.uz>—тошкент шаҳридаги транспорт воситалари ҳақидаги вебсаҳифа;

<http://www.goldenpages.com>- Ўзбекистон транспорт катнови рейс жадваллари саҳифаси.

Авиа рейслар жадвали.Авиа рейслари бўйича маълумотлар жадвалини аниқлаш, улардан фойдаланиш учун <http://www.uzairways.com> (2.1.6-расм) -

¹¹ <http://www.tshtx.uz> Тошкент шаҳридаги транспорт воситалари ҳақидаги веб саҳифадан олиниб муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистон хаво йўллари авия компания веб саҳифасига мурожаат қилинади. Сайтда халқаро ва Ўзбекистон миқёсидаги авия қатнов жадваллари келтирилган.



2.1.6-расм. Авиа рейслар жадвали¹²

Темир йўл транспорти қатнови жадвали. Республика ички ва ташқи темир йўл қатновлари жадваллари ва улар ҳақидаги маълумотларни қуйидаги веб саҳифалардан топиш мумкин:

1. <http://www.uzrailpass.uz> - темир йўл транспорт қатнови жадвали.

2. <http://www.roxanatour.com>- бу саёҳлик фирмаси сайти бўлиб, бунда сиз халқаро ва Ўзбекистон ичидаги темир йўл қатновлари ва хаво йўллари қатнови жадваллари ва у ерда жойлашган меҳмонхоналар ҳақида маълумот ва буюртмалар мажмуаларини аниқлашингиз мумкин (2.1.7-расм).

¹²<http://www.uzairways.com> сайтидан олинган бўлиб муаллиф томонидан тузилган.



"Ўзбекистон темир йўллари"

ДАК

"Ўзтемирийўлйўловчи"

ОАЖ

Самарқанд

Бухара

Қашғари





Поездлар жадвали

Ж А Д В А Л

пассажиr поездларини ҳаракати ва юриш кўнлари 31.10.10дан

поезд №	Йўналиш	Бошланғич манзилдан кетиш кўни ва вақти	Охиrги манзилга келиш вақти
2	Тошкент-Самарқанд	07-00 дўш пай жўм шан якш	10-30 дўш пай жўм шан
1	Самарқанд-Тошкент	17-00 дўш пай жўм шан якш	20-32 дўш пай жўм шан
3	Самарқанд-Тошкент	6-20 се. чор.пай.жу.дўш.	9-50 се. чор.пай.жўм
4	Тошкент-Самарқанд	18-20 се. чор.пай. якш. дў.	21-50 се. чор.пай. якш.

Компания ҳақида

Компания янгиликлари

Компания тизими

Темир йўллар

Туристик йўналишлар

Хизмат кўрсатиш

Йўл хужжатлар нархлари

Поездлар жадвали

Фотогалерея


Йўловчилар ёрдамига

Ўнла хужжатларини расмий

2.1.7-расм. Темир йўл транспорти қатнови жадвали¹³

2. Банк хизмати маълумотлари ва валюта курслари (2.1.8-расм). Ўзбекистондаги барча банклар ҳақидаги маълумотлар ва янгиликлар, кунлик валюта миқдорлари ҳақидаги маълумотларини қуйидаги сайтлардан олиш мумкин:

www.bank.uz; www.mikrokreditbank.uz; www.agrobank.uz;
www.asakabank.com; www.new.nbu.com; www.uzpsb.uz;
www.infinbank.com; www.xb.uz; www.ipotekabank.uz; ва ҳоказо банклар.



2.1.8-расм. Банк хизмати маълумотлари ва валюта курслари¹⁴


3. Об-ҳаво маълумотлари. Республика барча вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳамда ҳалқаро миқёсда об-ҳаво ҳақидаги маълумотларни қуйидаги, Ўзбекистонда яратилган web саҳифалардан аниқлаш мумкин.

www.ob-havo.uz; www.pogoda.uz; www.meteoprogram.uz об-ҳаво прогнози бўйича энг тўлиқ маълумотларни www.meteoprogram.uz (2.1.9 расм ва 2.1.10 расм)

¹³ <http://www.uzrailpass.uz> - Темир йўл транспорт қатнови сайтидан олиниб муаллиф томонидан тузилди

¹⁴ www.bank.uz Банк хизматларидан фойдаланиладиган сайт бўлиб муаллиф томонида тузилган.

кўрсатилган веб саҳифасидан олиш мумкин. Саҳифа дизайни ҳам фойдаланувчилар учун жуда қулай.



2.1.9-расм. Об-ҳаво маълумотлари жадвали¹⁵



2.1.10-расм. Об-ҳаво маълумотлари жадвали¹⁶

4. Ўзбекистон Республикасида фаолиятлари идорасида олиб борилаётган асосий янгиликлар мажмуасини uza.uz, gov.uz веб сайтлари орқали топиш мумкин. Ушбу веб саҳифаларда Давлат бошқарув ва хўжалик юритувчи органлар веб саҳифалари орқали кўрсатиладиган интерактив хизматлари, улар фаолияти ҳақидаги янгиликлар, хабарлар мавжуд.

5. Республика ва халқаро спорт мусобақалари, уларнинг ўтказилиш жадваллари ва ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни қуйидаги веб саҳифалардан

¹⁵ www.meteoprogram.ru веб саҳифасиданолиниб муаллиф томонида тузилган.

¹⁶ www.pogoda.uz веб саҳифасидан олинган бўлиб муаллиф томонидан тузилган.

қидириш мумкин:

www.uff.uz; www.te-uff.uz; www.paxtakor.uz;

www.bunyodkor.uz; www.fifa.com.

Бу сайтлардан Ўзбекистон футбол ва жаҳон футбол янгиликларини олишингиз мумкин. www.allsportсities.net бу сайтдан эса спорт турлари рейтингини янгиликлари ҳақидаги маълумот олишингиз мумкин. (2.1.11-расмда келтирилган).

The screenshot shows the homepage of SPORTPORTAL.UZ. At the top, there is a navigation bar with links for 'От редакции', 'Социальные программы', 'Лучшие спортсмены Узбекистана', 'Магазины', 'Фотогалерея', 'Спортивные секции', and 'Конкурсы'. Below this is a sidebar with a list of sports categories: ФУТБОЛ, ОЛИМПИАДА, АЗИАТСКИЕ ИГРЫ, АЛЬПИНИЗМ, БОКС, БОРЬБА, ГИМНАСТИКА, ЕДИНОВОРСТВА, ЗИМНИЕ ВИДЫ СПОРТА, КУРАШ, ТЕННИС, ШАХМАТЫ, and ДРУГИЕ ВИДЫ СПОРТА. The main content area features a news article titled 'Мураджон Холмуродов завоевал первую для Узбекистана путевку на Олимпиаду-2012'. The article includes a photo of the London 2012 Olympic rings and text describing Muradjon Holmurov's achievement in cycling. On the right side of the page, there is an advertisement for 'Карьера в UCell' featuring a group of people and the UCell logo.

2.1.11–расм. Спорт янгиликлари¹⁷

6. Ўзбекистон миллий телерадио компанияси маълумотлари ва теледастурлар жадвалини ҳамда уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган маълумотларни қуйидаги веб саҳифалардан олишингиз мумкин. www.мтрк.уз;

7. Республика доирасида бўш иш ўринларини топиш, аниқлаш ва мулоқат ўрнатиш қуйидаги веб саҳифалар орқали амалга оширилиши мумкин. www.мйжоб.уз, www.ваканси.уз бу сайтлардан сиз иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни ва Сиз, ўзингиз ҳақингиздаги маълумотларни тўлдириб жўнатишингиз ва жавоб олишингиз мумкин.

¹⁷<http://www.sportportal.uz> веб сайтидан олинган бўлиб муаллиф тонида тунузилган.

2.2. Миллий иқтисодиётнинг АКТ соҳаси тармоғида интерактив хизматларнинг иқтисодий таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасида “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш бўйича қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

“Электрон ҳукумат” тизимининг ахборот тизимлари комплекслари ва маълумотлар базаларини яратиш бўйича чора-тадбирлар ҳамда лойиҳалар рўйхати Комплекс дастури тасдиқланган.

Комплекс дастур – Ўзбекистонда “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этишнинг ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган 22 та лойиҳа ва 6 та тадбирларни ўз ичига олади.

Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантиришнинг Комплекс дастурини амалга оширишни мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси ташкил қилинган.

Шу билан бирга қўмита қошида 2 та йирик “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази ва Ахборот хавфсизлигини таъминлаш марказларини ташкил этиш белгиланган.

Ўзбекистонда “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этишнинг ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича графиклар ишлаб чиқилган. Мазкур графикларда лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан қуйидагиларни амалга ошириш белгиланган:

Дастлабки лойиҳа олди тадқиқотларни ўтказиш, бунда интерактив хизматлар бўйича халқаро тажрибани ўрганиш, мавжуд ҳолатини ўрганиш, ва таклифлар ишлаб чиқиш.

- лойиҳани амалга ошириш концепциясини ишлаб чиқиш;
- дастлабки техник иқтисодий ҳисоб-китобларни ишлаб чиқиш;
- дастлабки техник иқтисодий ҳисоб-китобларни экспертизадан ўтказиш;
- техник топшириқ ишлаб чиқиш;

- лойиҳани амалга оширувчини аниқлаш бўйича танловлар ўтказиш;
- лойиҳани амалга оширишдан иборатдир.

“Электрон ҳукумат” тизимини жорий қилишнинг истиқболли режалари доирасида 2014-2016 йилларда идоралараро интеграциялашган платформани яратиш лойиҳаси амалга оширилади. Бу платформа барча давлат органлари ахборот тизимларини бирлаштиради, аҳолига маълумот олиш, ариза топшириш ва бошқа хизматлардан фойдаланиш бўйича идоралар ўртасида маълумот алмашишга хизмат қилади.

“Мамлакатимизда АКТни жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича олиб борилган таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, энг асосий омиллардан бири бу АКТни давлат органлари ходимлари тушуниб етиши ва ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлашдир”.¹⁸

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг 3521 нафари ва Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ходимларини АКТдан фойдаланиш бўйича билимларини ошириш учун жами 3978 нафар ходимлари ўқитилди. Давлат органлари махсус бўлинмалари мутахассисларининг малака ва кўникмаларини оширишга қаратилган 6 та ўқув курслари ўтказилиб, уларнинг ҳар бирида 140 дан зиёд мутахассислар тақсил олди. “Электрон ҳукумат” ўқув маркази томонидан жами 717 нафар давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбар ва мутахассисларининг “Электрон ҳукумат” тизими бўйича билим ва малакалари оширилди.

Тошкент ахборот технологиялари университети фаолиятини тубдан яхшилаш бўйича комплекс чоралар кўрилмоқда. Хусусан, 2013 йилда университет ва унинг ҳудудий филиалларидан 28 нафар профессор-ўқитувчилар хорижий таълим муассасаларида малака оширишди. 2014 йилда Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг ҳудудий филиалларининг 70 нафар ўқитувчилари ҳамда 30 нафар магистр ва докторантларини хорижий университетларга ўқишга юбориш режалаштирилган.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида

¹⁸И.А.Каримов. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2013


2011-2013 йиллар ва 2014 йил 1-чорагида амалга оширилган интерактив хизматларнинг сарҳисоби. 2011 йилнинг ҳисоботида маълум қилинишича, ҳисобот даври давомида алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси корхоналари томонидан 1100,0 млрд.сўмлик хизматлар кўрсатилди (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати – 20,1 фоиз), шу жумладан, аҳолига алоқа хизматлари кўрсатиш 715,1 млрд. сўмни ташкил этди. Ўтган йил билан солиштирганда ўсиш суръати 20,5 фоизга ошди.

Ҳисобот даври давомида алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси корхоналари томонидан аҳолига кўрсатилган хизматлар ўсиш кўрсаткичи 24,3 фоизни ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига солиштирилганда бу кўрсаткич 19,2 фоизга ошган.

2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги корхоналар томонидан 1452,7 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилди (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 24,3 фоиз), шу жумладан, аҳолига алоқа хизматлари кўрсатиш 944,3 млрд. сўмни ташкил этди (ўсиш суръати 19,2 фоиз).

2013 йилнинг ҳисоботида таъкидланганидек, 2013 йилда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация тизимида фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 22 %га, жумладан, аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми 21 % ўсди.

2014 йилнинг биринчи чорагида алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация тизимида фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 23,0 % га, жумладан, аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми 19,0 % га ўсган (2.2.1-расм).



2.2.1-расм. АКТ корхоналари томонидан кўрсатилган хизматлар ва аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми¹⁹

2011 йил инвестиция дастурига мувофиқ тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар ҳамда кредитлар ўзлаштириш режаси 4,7 баробарга бажарилди.

Тўғридан-тўғри жалб қилинган хориж инвестициялари ва кредитлари ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар бўйича йиллик режа 139 фоизга бажарилди.

Инвестиция дастурига мувофиқ, “Ўзбектелеком” АК томонидан амалга оширилиши белгиланган инвестиция лойиҳалари бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Бойсун-Денов оралиғида 94,1 км оптик алоқа линияларини қуриш лойиҳаси доирасида 77 км кабел ётқизилди;

Ургут-Шаҳрисабз оралиғида оптик алоқа линияларини қуриш лойиҳаси бўйича ишлар якунланиб, 78,1 км оптик толали алоқа линияси тажрибавий фойдаланишга топширилди;

Халқаро коммутация марказларини NGN технологияси асосида модернизация

¹⁹ www.miy.gov.uz Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали, www.ccitt.uz Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг расмий сайтидан олинган муаллиф томонидан тузилди.

қилиш ва кенгайтириш лойиҳаси бўйича телекоммуникация ускуналарини етказиб берувчи компаниялар билан музокаралар олиб борилмоқда;

“Ўзбектелеком” АКнинг маҳаллий телекоммуникация тармоғини янги авлод тармоғи (NGN) технологиялари асосида модернизация қилиш ва ривожлантириш” лойиҳаси доирасида ускуналари келтирилмоқда;

“Халқаро пакетли коммутация марказини кенгайтириш ва модернизация қилиш” лойиҳаси бўйича жорий йилнинг 26 июнида тендер савдолари эълон қилинди;

“Uzmobile” филиали CDMA-450 мобил алоқа тармоғини модернизация қилиш ва кенгайтириш” лойиҳаси бўйича телекоммуникация қурилмалари келтирилмоқда.

2013 йилги Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга асосан корхоналарнинг ўз маблағлари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига ўзлаштирилиши кўзда тутилган маблағлар режаси 213 фоизга бажарилди.

Магистрал, зонаичи ва маҳаллий тармоқларни захиралаш ва кенгайтириш, шунингдек абонент тармоқларини ФТТх архитектураси асосида модернизация қилиш мақсадида умумий узунлиги 2100 км оптик алоқа линиялари қурилди.

Кенг полосали маълумотлар узатиш тармоғини кенгайтириш мақсадида, бир вақтнинг ўзида 128 минг кенг полосали уланишларни амалга ошириш имконига эга қурилма ўрнатилди.

2013 йилги Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга асосан корхоналарнинг ўз маблағлари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига ўзлаштирилиши кўзда тутилган маблағлар режаси 167 фоизга бажарилди (2.2.2-расм).



2.2.2-расм. Инвестицияларнинг ўзлаштирилиш режаси²⁰


2011 йилда қурилиши белгиланган 950 км узунликдаги оптик алоқа линияларидан 432,45 километри қуриб битказилди. Бу халқаро Интернет тармоқларига чиқиш тезлигини 2,5 Гбит/с бўлиб 4 баробарга, яъни 10 Гбитс гача ошириш имкониятини яратди. Бугунги кунда Интернет каналларининг умумий сифими 12,3 фоизга, қўшимча 465 Мбитс га оширилиб, 2 975 Мбитс ни ташкил этмода.

Халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш умумий тезлиги 6850 Мбит/с. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 баробар кўпайган (2011 йилнинг шу даврида 2820 Мбит/с).

Халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш умумий тезлиги 10,3 Гбит/с ташкил этди ва 2013 йил бошига нисбатан 132 фоизга ўсди.

Халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш умумий тезлиги 11,2 Гбит/с га етди (2.2.3-расм).

²⁰ www.my.gov.uz Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат порталидан олиниб муаллиф томонидан тузилди.



2.2.3-расм. Халқаро Интернет тармоқларига чиқиш тезлиги²¹

Ўзбекистонда 2009-йилнинг биринчи ярмига келиб Интернетдан фойдаланувчилар сони 2,6 миллион кишини ташкил қилди. Бошқача айтганда бу Республикамизнинг ҳар 1000 фукаросига 91,48 Интернет фойдаланувчиси тўғри келади деганидир


2010 йилда Ўзбекистонда Интернет фойдаланувчилари сони 3,2 миллионга ошиб, 2002 йил билан солиштирганда ўсиш 23,8 %ни ташкил қилади.

Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида Интернет фойдаланувчилари сони мунтазам ошиб бормоқда ва мамлакат аҳолисининг 24 %и халқаро тармоқдан фойдаланади. 2010 йил сўнгида Интернетдан фойдаланувчи давлат органлари сони 7643 тага етди.

2010-2011 йиллар фойдаланувчилар сони 7,378 млн.га ёки аҳоли миқдorigа нисбатан 24 % га етди (2.2.4-расм).

²¹ www.my.gov.uz, www.ccitt.uz порталларидан олиниб муаллиф томонидан тузилди.

2009-2013 йилларда Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони (млн. киши)



2.2.4-расм. 2009-2013 йилларда Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони²²

Бундан мобил Интернетдан фойдаланувчилар 4,119 млн.ни ташкил қилади. Бундан кўриниб турибдики, кўпчилик Интернетдан фойдаланишда мобил алоқани маъқул кўради.

Ўзбекистондаги Интернет фойдаланувчилари сони 2012 йилнинг биринчи чораги якунларига кўра 9,1 миллион кишини ташкил қилди. Бу ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан 21,3% га кўп демакдир. Ўшанда, яъни 2011-йилнинг биринчи чораги якунларига кўра Ўзбекистондаги Интернет фойдаланувчилари сони 7,5 миллион кишидан иборат эди. Еслатиб ўтамиз, 2012 йил бошига Ўзбекистондаги Интернет фойдаланувчилари сони 8,827 миллион кишидан иборат эди. Мобил алоқа абонентлари сони эса – 25,441 миллиондан ортиқ.

Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони 2013 йилнинг биринчи чораги якуни бўйича 10 миллион 89 мингни ташкил қилди.

Еслатиб ўтамиз, йил бошида интернет-фойдаланувчилар сони республикада 9,815 миллион нафар эди.

Бундан ташқари Ўзбектелеком АК да инвестиция фаолиятини самарали

²² www.my.gov.uz Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат порталидан олинб муаллиф томонидан тузилди.

бошқариш натижасида 2012 йил якунлари бўйича умумий хўжалик фаолиятдан даромадлар режаси 114 фоизга бажарилди ва аввалги йилга нисбатан 48 фоизга ўсди. 2012 йил давомида «Ўзбектелеком» АК томонидан кўрсатилган телекоммуникация хизматларидан ҳисобланган даромад 667,6 млрд. сўмни ташкил этди. Тарифлар бўйича даромадлар даражаси ўтган йилга нисбатан 48 фоизга ошди. Аҳолига кўрсатилган алоқа хизматлари миқдори 115,6 млрд. сўм, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 127 фоизни ташкил этди. Экспорт хизмати ўтган йилга нисбатан 1,64 баробарга ошди. Соҳадан ташқари бошқа хизматлардан ҳисобланган даромад 119,8 млрд. сўмни ташкил этди. Молиявий фаолият бўйича даромадлар 40,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Ўзбектелеком АК нинг 2012 йил асосий фаолиятнинг даромадлар таркиби қуйидагича бўлган. Бунда халқаро алоқа бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар 54,7 фоизни ташкил қилган бўлса, маҳаллий телефон алоқаси 10,8 фоизни ташкил қилди. Шаҳарлараро телефон алоқаси 5,8 фоизга етди. 2012 йил Ўзбектелеком АК да симсиз радиоулашиш энг паст натижани кўрсатган. Бу кўрсаткичлар ўтган йилларга нисбатан анча юқори бўлган ва 2013 йилда кўрсаткичлар фоизи салмоқли ўсган.

Битта асосий телефон аппаратида келган ўртача ойлик даромад 5,1минг сўм, битта ишчининг олиб келадиган ўртача ойлик даромади 1823минг сўм, бу ўтган йилга нисбатан 21,4% ўсганлигини ко`рсатади. Ходимларга бериладиган ўртача ойлик маоши 38% га ошди, ва 331,1 минг сўмга тенг бўлди. Ушбу кўрсаткичларнинг жорий йилги ҳолати, ўтган йилга нисбатан яхшироқ эканлиги қувонарли ҳолат албатта(2.2.5-расм).



2.2.5-расм. "Ўзбектелеком" АК нинг 2012йил учун асосий фаолиятдан олган даромади²³

Ушбу расмда даромад ва харажатлар орасидаги фарқларни ҳар бир йилги кўрсаткичларни таққослаб чиқилса бунда 2009 йилги даромад ва харажатлар орасидаги фарқ энг кам қийматга эга (2.2.6-расм). 2013 йилги харажатлар ва даромадлар қийматлари орасидаги фарқ энг катта. Таҳлил натижаси шундан иборатки, телекоммуникация соҳаси йилдан йилга ривожланиб келмоқда. Умумий ҳолатда олганда компания миқёсида даромадга эришилган.

Шуни ҳам унутмаслик керакки мазкур компания хизматлари фақатгина шаҳар аҳолисига эмас, балки қишлоқ регионларига ҳам кўрсатилиб келинмоқда. Шуни ҳисобга олган ҳолда компаниянинг ҳудудий филиалларининг ҳам итисодий ва молиявий кўрсаткичларини ҳам таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

²³“Ўзбектелеком” АКнинг 2013-йил учун йиллик ҳисоботидан олиниб муаллиф томонидан тузилган.



2.2.6-расм. Йиллик даромад ва харажатлар динамикаси(млрд. сўмда)²⁴

Албатта компаниянинг вилоятдаги филиаллари Тошкент шаҳар филиалларига қараганда пастроқ иқтисодий кўрсаткичларга эга. Ушбу ҳудудий филиалларнинг асосий фаолиятдан даромадларини ҳам пойтахт филиаллариники сингари кўтариш йўллари кўрилмоқда. Қуйида тасвирланган жадвалда “Ўзбектелеком”АК ҳудудий филиалларининг 2012 йилга нисбатан 2013 йилги молиявий кўрсаткичлари акс этган. Бу жадвалдан биз “Ўзбектелеком”АК ҳудудий филиалларини қайси нуқтаси фаолияти жадал суръатлар билан ривожланмоқда, қайси ҳудуд фаолияти оқсамоқда деган саволларга жавоб олишимиз мумкин.

“Ўзбектелеком”АК филиалларида 2012-йил учун асосий фаолиятдан олган даромадлари 2.2.1-жадвалида келтирилди.

2.2.1-жадвал

“Ўзбектелеком”АК филиалларида 2012 йил учун асосий фаолиятдан олган даромадлари таҳлили (млн. сўмда)²⁵

Филиаллар номлари	2012-йил	2013-йил	Ўсиш суръати (%)
Қорақалпоқ телеком	6857	6950	101.3
Андижон телеком	6223	6441	103.5
Бухоро телеком	9000	9050	100.5
Жиззах телеком	1050	1080	102.8
Қашадарё телеком	3672	3720	101.3
Навоий телеком	7143	7242	101.3
Наманган телеком	7794	7840	100.5
Самарқанд телеком	2418	2347	97.5
Сурхондарё телеком	2068	2012	97.2
Сирдарё телеком	3045	3050	100.1
Тошкент телеком	7694	7800	101.3

²⁴“Ўзбектелеком”АКнинг 2013-йил учун йиллик ҳисоботидан олиниб муаллиф томонидан тузилган.

²⁵“Ўзбектелеком”АКнинг 2013-йил учун йиллик ҳисоботидан олиниб муаллиф томонидан тузилган.

Фарғона телеком	7734	7781	100.6
Хоразм телеком	6846	6851	100
ТШТТ	64374	65240	101.3
ТашТТС	62170	63250	101.7
Шахарлараро алоқа корхонаси	50569	51250	101.3
Ўзбектелеком (mobile)	10287	11280	109.6
UzNet	17672	17772	100.5
Бажарувчи аппарат	201943	202246	100.1
“Ўзбектелеком” АҚ	450834	483202	107.1

Бу жадвалдан биз “Ўзбектелеком” АҚ ҳудудий филиалларини қайси нуқтаси фаолияти жадал суръатлар билан ривожланмоқда, қайси ҳудуд фаолияти оқсамокда деган саволларга жавоб олишимиз мумкин.

3. ЎЗБЕКИСТОНДА АҚТ СОҲАСИДА ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Ўзбекистонда фаолият юритаётган корхоналарда интерактив хизматларни янги турларини жорий этиш

Ўзбекистонда “ягона ойна” режимида фаолият юритадиган давлат интерактив хизматлари портали йўлга қўйилади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси матбуот хизмати хабар беради. “Ягона ойна” режимида фаолият юритадиган давлат интерактив хизматлари Ягона портали Ўзбекистон ҳукумат портали доирасида яратилади. Ягона давлат интерактив хизматлар портали жисмоний ва юридик шахсларга давлат ва хўжалик органлари хизматларидан фойдаланишга кенг йўл очиб беришга йўналтирилган. Мазкур портал шунингдек фойдаланувчиларга электрон кўринишда маълумотлар алмаштиришга, давлат ягона интерактив, жумладан пулли хизматларига сўровлар юбориш имконини беради. Ягона портал жисмоний ва юридик шахслар сўровларини, жумладан давлат, хўжалик ва маҳаллий органлар томонидан кўрсатилаётган интерактив хизматлар сифатини мониторинг

қилишни рўйхатга олиб боради. Буларнинг ҳаммаси Хукумат портали орқали давлат органларининг тадбиркорларга, давлат интерактив хизматлар кўрсатиш самародорлигини оширишга имкон яратади.

Солиқ тўловчи жисмоний шахслар учун интерактив хизматлар:

1. Бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар билан ҳисоб - китоблар ҳақида маълумот;
2. Солиқ декларацияларини шакллантириш;
3. Якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисоботлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 августдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг давлат ахборот ресурсларини ҳамда интерактив давлат хизматларини ҳисобга олишни такомиллаштиришга оид айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 239-сонли Қарорига мувофиқ «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси «Лизинг хизматлари тўғрисида ахборот бериш» интерактив давлат хизматини кўрсатади.

Суғурта соҳасига тааллуқли интерактив хизматларни ташкил қилиш таклиф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан корхона раҳбарлари ва бухгалтерлар учун «Суғурта ва бизнес» мавзусида семинар ташкил этилди.

Маълумки, бизнес бир қатор ўзига хос таваккалчилик омилларидан иборат. Албатта, омадга умид қилса ҳам бўлади, бироқ у ҳар доим ҳам кулиб боқавермайди. Суғурта ана шу таваккалчилик омилларини камайтириш учун мўлжалланган, чунки у корхонанинг якуний натижаларини ҳимоя қилиш билан бирга қўйилган мақсадларга эришишни таъминлайдиган алоҳида жиҳатларга йўналтирилган. Бошқача айтганда, суғурта орқали кенг бозор майдонида тадбиркорга муқаррар равишда учрайдиган турли тасодиф ва кутилмаган муаммоларга қарши кафолатлар яратиб берилади. Семинар бизнес вакиллари мазкур доирадаги мавжуд имкониятлар билан яқиндан таништириш, таклиф қилинаётган маҳсулот ва хизматлар ҳақида ахборот олиш, кўп учраб турадиган ва қизиқтираётган бошқа саволлар бўйича маслаҳат олиш имкониятини яратиб беришга қаратилган.

Тадбирда Ўзбекистон суғурта бозорининг етакчи вакиллари иштирок этди.

Қатнашчиларнинг саволларига «Ўзбекинвест» экспорт-импорт суғуртаси бўйича миллий компания, «Ўзагросуғурта» Давлат аксиядорлик суғурта компанияси, «Asiainsurance» ва «Капитал Суғурта» суғурта компанияси мутахассислари жавоб берди, деб хабар беради Давлат солиқ қўмитаси Матбуот маркази.

Замонавий ахборот ва компьютер технологияларини иқтисодиёт тармоқлар, айниқса, банк, молия ва тижорат тузилмалари фаолиятида кенг миқёсда жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларида асосий йўналишлар сифатида белгилаб берилган (3.1.1-расм).



3.1.1 - расм.Электрон тижорат ва электрон тўловлар²⁶

Ушбу норматив ҳужжатларда пластик карталар ва бошқа электрон тўловлар воситалари орқали интернетда товар ва хизматларга тўлов имкониятларини ривожлантириш учун дастурий-техник инфратузилмани такомиллаштириш ҳамда тижорат фаолияти ва тадбиркорликда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш мақсадида рағбатлантиришни

²⁶ www.reestr.uz- Давлат ахборот ресурслари ва давлат органларининг ахборот тизими сайтидан олиниб муаллиф томонидан тузилган.

таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳам ўз аксини топган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлиги, молиявий барқарорлик ва инвестиция фаоллигини янада оширишни таъминлаш мақсадида электрон тўловлар ва электрон тижорат тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, тўлов тизимини тартибга солиш ва оптималлаштириш, электрон тижорат инфратузилмасини шакллантириш орқали маҳаллий товарларни ташқи бозорда реализация қилиш ишларини кенгайтиришни давр тақозо этмоқда.

Тадбиркорлик субъектларини кредитлашда давлат, назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги бевосита мулоқотни истисно этувчи электрон тизимга, шу жумладан, интернет тармоғига кенг миқёсда ўтишни норматив-ҳуқуқий таъминлаш бўйича масалаларни атрофлича муҳокама этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Электрон тўловлар ва электрон тижорат тизимини ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ислохотларнинг ажралмас қисми экани ҳисобга олиниб, солиқ ва божхона маъмурчилигида электрон тижорат ва электрон тўловлар тизимини такомиллаштириш ҳамда электрон тижоратни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш масалалари ҳам алоҳида эътибор қаратишни талаб этади.

Ўзбекистонда электрон тўловлар ва электрон тижорат тизимларини ривожлантириш мақсадида мазкур муҳим йўналишнинг тадрийжий ривожланишини таъминловчи зарур ҳуқуқий база яратилган. Жумладан, «Электрон тижорат тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Электрон тўловлар тўғрисида», «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинган.

Янги босқич иқтисодиётимизга замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кенг татбиқ этилиши, ўз навбатида, истеъмолчилар билан ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқди. Бугунги кунда Ўзбекистонда электрон тўловлар, интернет глобал тармоғи ва мобил алоқа воситалари орқали банк соҳаси мижозлари учун интерактив хизматларни кўрсатиш тизимлари жорий этилиб, улардан самарали фойдаланилмоқда. Хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, кичик бизнес ва тадбиркорлик вакиллари

томонидан ўз фаолиятлари жараёнида электрон тўловлар ва электрон тижорат имкониятларидан самарали фойдаланишлари уларнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий натижаларга эришишларида асос яратади.

Бугунги кунда банк-молия тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ўсиб боровчи глобал тенденцияси, банк пластик карталари миқдорининг ўсиши ҳамда электрон тўловлар ва электрон тижоратнинг ривожланиб бориши баробарида мамлакатимизда электрон тўловлар ва электрон тижорат соҳасидаги лойиҳаларнинг амалга оширилиши фаоллашмоқда. Мамлакатимиз банк ва молия муассасалари интернет глобал тармоғи ва мобил алоқа воситалари орқали ўз миқдорларига масофадан туриб электрон тўловлар, «СМС-банкнинг», «Мобил-банкнинг» каби интерактив банк хизматларини кўрсатмоқда.

Маълумки, тижорат банклари томонидан бугун аҳолига кенг миқёсда масофавий банк хизматлари тақдим этилмоқда. Мамлакатимизда 2013 йил 1 январ ҳолатига 9,57 млн. дона пластик карталар чиқарилган, бу эса 2012 йил 1 январ ҳолатига 1,3 млн. донага кўпайганини билдиради. Ҳисоб-китоб терминаллариининг сони 112,7 мингтага етди, ушбу кўрсаткич 2012 йилда 99,5 мингтани ташкил этгани бу йўналишда ҳам ўсиш мавжудлигини тасдиқлайди. Республика банк муассасалари томонидан ҳисобларни масофавий бошқариш хизматлари кенг миқёсда кўрсатилаётганини жорий йилнинг 1 январ кунига мазкур хизматлардан фойдаланувчилар сони 92 мингтага етгани, жумладан, «Интернет-банкнинг» ва «Банк-миқдор» хизматида фойдаланувчилар сони 38,8 мингтага, «Мобил-банкнинг» ва «СМС-банкнинг» — 53,6 мингдан ортганини кўрсатаётган рақамлардан билишимиз мумкин.

Технологик ечимлар ҳозирда ахборот технологиялари соҳаси субъектлари томонидан электрон тўловлар ва электрон тижоратни амалга оширишни автоматлаштириш имконини берувчи хилма-хил технологик ечимлар тақлиф этилмоқда. Хусусан, интернет тармоғида пластик карталар билан тўловларни амалга ошириш имконини берувчи дастурий таъминот ишлаб чиқилиб, жорий этилди. Ўз доменда интернет-дўконлар мавжуд бўлиб, фойдаланувчиларига масофадан туриб, муаян вақт тартибида эҳтиёж товарларини харид қилиш ва хизматлардан фойдаланишлари учун ташкил этилганлиги кенг аҳоли қатламларига қатор

имкониятлар беради.

Зарурий телекоммуникация ва дастурий инфратузилманинг мавжудлиги электрон тижорат ва электрон тўловлар тизими ривожланиш жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Республика коммуникация тармоқларининг фаол ривожини республика фуқаролари учун электрон хизмат кўрсатиш спектри ва географик қамровининг кенгайишига зарурий шароит яратиб беради.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепсиясида илгари сурилган қонунчилик ташаббускорликларининг изчиллик билан амалга оширилиши давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга зарур асос яратади ва мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини янада оширишга, хусусан, фуқароларга электрон тўлов ва тижорат хизматларини кенг миқёсда тақдим этишга имкон беради.

Шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорликда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни ривожлантиришни янада рағбатлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш зарурлиги, тадбиркорлик субъектларига давлат органлари томонидан тақдим этилаётган интерактив давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш, электрон тижорат билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига солиқ, божхона ва бошқа имтиёзлар беришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқишни давр тақозо этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги мақсадли йўналишларга эришиш борасида, давлат органларининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ахборот ресурсларига оммавий уланишни, аҳолининг кенг қатламларини коммунал хизматлар учун электрон тўловларни амалга оширишини таъминловчи телекоммуникация тармоқлари инфраструктурасини ривожлантириш, «Электрон тўловлар тўғрисида» ва «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонунлар ижросини таъминлашдаги мавжуд муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш мақсадида интернет тармоғининг миллий сегментини маълумотлар билан тўлдиришни ривожлантиришни рағбатлантириш, Миллий ахборот қидирув тизими ишлашини тубдан ва сифатли яхшилаш ҳамда ундан фойдаланувчилар сонини

ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ҳамда электрон тўловлар тизимини ривожлантириш мақсадида пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб қилишни техник ва дастурий инфратузилмасини яратиш, коммунал ва бошқа турдаги хизматлар учун электрон тўловни амалга ошириш ва интернет тармоғи орқали доимий равишда шахсий ҳисоб рақамига киришга имконият берувчи ягона ахборот тизимини шакллантириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

«Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали Чақириқларга хизмат кўрсатиш маркази (ЧХКМ)даги мавжуд ускуналарини Тошкент шаҳрининг 234- АТСдан 255 АТСга кўчириш ва кенгайтириш бўйича ишларни якунлади.

Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали янги Салл-маркази Тошкент шаҳридаги 255 АТС биносининг иккинчи қаватида жойлашган. Бугунги кунда марказда туну-кун мобайнида уч сменада 125 нафар оператор хизмат қилади. Бутун Ўзбекистон бўйлаб фаолият юритадиган Салл-марказнинг келгусидаги кенгайтирилиши учун бионинг яна икки қавати ҳам жиҳозланган. Шундай экан, операторлар сонининг кенгайтирилиши заруратга кўра режага асосан амалга оширилади.

«Тошкент шаҳрида биринчи телефон маълумотномалар хизмати деярли 75 йил илгари ташкил этилган. Ўша вақтларда уни оддийгина «09» хизмати» деб атаганлар. Шаҳарнинг телефон тармоғи 5 мингдан ортиқ абонентни ташкил этарди. 09 хизматида операторлар иши қўл меҳнати тамойилига асосан ташкил этилганди. Операторнинг маълумотларни излаш иши қоғоз картотекалар бўйича амалга ошириларди. Телефонистлар иш жойи амалга оширадиган фаолияти талабига мувофиқ иш картотекалари билан жиҳозланган эди. Барча маълумот-ахборотлар қоғозда ифода этилган бўларди.

2003-йилдан бошлаб операторлар иш ўрнини автоматлаштиришга киришилди. «Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали Ахборот-ҳисоблаш маркази мутахассислари томонидан филиал «ТШТТ» «Ўзбектелеком» АК «АХМ» масалари комплекси— таъминот дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастурий комплекснинг ўрнатилиши операторлар иш жойида қоғоз картотекалардан фойдаланишдан воз кечилишига имкон берди ва зарур ахборотларни излашни автоматик режимда амалга ошириш имконини берди.

2009-йил апрел ойида «Протей» компанияси базаси ускунаси асосида «09» маълумотлар хизмати модернизациялаштирилиб, барча халқаро талабларга жавоб берувчи замонавий «Салл-марказ»га айлантирилди. Натижа дарҳол намоён бўлди, сабаби маълумотларнинг статистик ҳисоботларни ва бутун тизим бўйича ишни яхшилашни таҳлил қилиш ишларини янада сифатли олиб боориш имконияти юзага келди.

«Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали Ахборот-ҳисоблаш маркази базасида Салл-марказ интеллектуал платформасини жорий этилиши маълумот-ахборотлар хизмати турлари доирасини кенгайтириш ҳамда замонавий интеллектуал хизматларни жорий этиш имконини берди.

«Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиала Салл-маркази интерактив хизматлари қуйидагилардан иборат:

- жорий кун учун об-ҳаво маълумоти (телефон 1001);
- виртуал офис;
- бепул чақирик;
- теле-овоз бериш;
- хабардор қилиш;
- пазандачилик ретсептлари (телефон 2000505);
- табриклар (телефон 2000101);
- эртак (телефон 2000100);
- «Ўз ҳисобингни билиб ол» (телефон 1058);
- контент-провайдерлар хизмати.

«Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиала Салл - марказининг кенгайтирилиши.

Ҳозирги вақтда Ўзбектелеком» аксиядорлик компанияси «ТШТТ» филиали Чақириқларга хизмат кўрсатиш марказидаги мавжуд ускуналарини Тошкент шаҳрининг 234-АТСидан 255 АТСига кўчириш ва кенгайтириш бўйича ишларни якунлади.

Тошкент шаҳрида ЧХКМ статистик маълумотларининг таҳлили натижалари бўйича маълумот-ахборотлар характеридаги ва кўнгилочар хизматларга талабларнинг барқарор ўсиши кузатилганлигини таъкидлаш мумкин.

ЯЧХКМини ташкил этиш лойиҳасининг кейинги босқичини амалга ошириш

ишлари Республиканинг барча ҳудудлари бўйлаб «Ўзбектелеком» АК абонентларини мазкур хизмат турларига бўлган талабларини қондиришдан иборат. «Ўзбектелеком» АК томонидан ЯЧХКМни жорий этиш учун унга мувофиқ қўшимча сервер ускуналарини, «Ўзбектелеком» АК вилоят филиалларида ВоИП шлюзлари ҳамда коммутаторларни ўрнатишни талаб этади. Шунингдек, «Ўзбектелеком» АКнинг ҳар бир вилоят филиаллари бўйича операторлар сонининг 10 нафардан кенгайтирилиши режалаштирилган. Компаниянинг телекоммуникациялар ва персонални ривожлантириш марказида етказиб берилган техник ускуналарни пухта ўрганилиши ва келгусида хизматда фойдаланиш учун филиаллар мутахассисларини ўқитиш ва тайёрлаш кўзда тутилган.

ЯЧХКМни жорий этиш қуйидагиларни таъминлайди:

- бир вақтда ишлайдиган, кириш ва чиқиш телефон қўнғироқларини амалга оширувчи 350гача операторларни улаш;
- тизимда бир вақтда амалга оширувчи 1000та қўнғироқни қўллаб-қувватлаш;
- кунига 150 000 қўнғироқ юкламаси билан иш юритиш, КЮЧ соатига 30 000 қўнғироқ;
- операцион ҳаражат ва капитал маблағларни минималлаштириш;
- катта сонли қўнғироқларни амалга ошириш имконининг ошириш йўли билан даромадни ўстириш, янги хизматларни жорий этиш ва аутсорсинг хизматини кўрсатиш.

Келгусига тақдим этиладиган ечимлар яратилаётган платформа базасида 112 (фавқулодда вазиятларда ягона диспетчерлик хизмати) ташкил этилиши билан интеллектуал овозли ва мултимедияли хизматлар кўрсатилиши имконига эга. Истиқболда тақдим этиладиган ечимлар келгусида ривожлантириш имконига эга.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш мамлакатда телекоммуникацияларни ривожлантириш ва миллий ахборот инфраструктурасининг глобал ахборот тизимига интеграциясининг навбатдаги босқичи бўлади. Тақдимотдан сўнг минтақавий ва ихтисослашган филиаллар, шунингдек, «Ўзбектелеком» АК таркибига кирувчи корхоналар раҳбарлари Салл-марказ иши билан танишиш, қизиқтирган саволларига жавоб олиш ва таклифларини баён этиш имконига эга бўлдилар.

«Ўзбектелеком» АК бутун Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ўз тармоқлари

билан қамраб олган йирик телекоммуникациялар операторидир. Компания қуйидаги хизматларни кўрсатади: қайд этилган ва мобил алоқа операторлари ҳамда провайдерларига каналларни ижарага бериш бўйича хизматларни, халқаро ва шаҳарлараро алоқа хизматлари, овозли алоқа ва маълумотлар узатиш хизматининг барча турларини, Интернет тармоғидан фойдаланиш, видеоконференсалоқа хизматларини, СДМА стандартида мобил алоқа хизматларини тақдим этади, телевизион ва радиоёшиттириш дастурларини узатиш учун каналлар ташкил этади. Компаниянинг бозордаги хизматлари тўртта —Ўзтелеком, Ўзмоби́л, Ўзонлайн ва Телеком ТВ савдо белгилари остида кўрсатилади. Компания таркибида 22та филиал фаолият юритади, улардан 14 таси минтақавий, 8 та ихтисослаштирилган ва 3 таси шўба корхонасидир. Компания ходимларининг сони 2010-йил охирига келиб, 14 минг нафарни ташкил этди. «Ўзбектелеком» АК Мобил ва қайд этилган, шаҳарлараро ва халқаро алоқа, маълумотлар узатиш ва Интернет хизматлари кўрсатувчи саккизта қўшма корхоналарда ўз улушига эга.

Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш воситасида жисмоний ва юридик шахслар билан тезкор ўзаро ҳамкорликни таъминлаш, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлардан кенг фойдаланишини таъминлаш бугунги куннинг устувор вазифаларидан биридир.

Айниқса, тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамиятга эга. Фармон асосида 2013 йилнинг 1 март ҳолатига тумандаги ҳисобот топшириши лозим бўлган 4663 та юридик шахсларнинг 3809 таси электрон рақамли имзога эга ва улар томонидан шу даврда жами 34676 та солиқ ҳисоб-китоблари туман ДСИга тақдим этилган. Ҳақиқатдан ҳисобот топшириш мажбуриятига эга юридик шахсларга нисбатан электрон рақамли имзога эга юридик шахсларнинг салмоғи 82 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 28 августдаги

“Давлат ва хўжалик бошқаруви, давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини ва ҳисоботларни электрон тартибда топшириш, интерактив хизматлар тизими ҳамда БЭМ “Бухгалтерга электрон мадад” миллий бухгалтерлик ҳисоби дастурий маҳсуллари қулайликлари ва афзалликлари мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида семинар-йиғилишлар ташкил этилмоқда. Ушбу йўналишдаги тадбирлар тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий билимларини оширишга, электрон ҳисоботларни ўз вақтида топширишларига хизмат қилмоқда.

3.2. Ўзбекистонда интерактив хизматлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг навбатдаги назорат-таҳлили якунига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ва “Ўзбекэнерго” ДАК тизимларидаги ижроси муҳокама қилинди. Унда қуйи палата депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар, давлат қўмиталари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, мутахассис-экспертлар қатнашди. Йиғилишда “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ва “Ўзбекэнерго” ДАК раҳбарларининг ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда барча жабҳаларга АКТни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий пойдевор яратилиб, у замон талаблари асосида такомиллаштириб борилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамда 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида баён этилган

асосий вазифаларнинг изчил ижроси бу борадаги тараққиётни янги босқичга олиб чиқиши, шубҳасиз. Жумладан, уларда давлат ва жамият қурилиши тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, “Электрон ҳукумат” тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқишни тезлаштириш, бошқарув жараёнлари, бизнес тармоқлари ва фуқароларга давлат хизматларини кўрсатиш, ахборот тизимларининг идоралараро ҳамда идоравий комплексларини бирлаштирадиган Миллий тизим яратиш зарурлигига алоҳида урғу берилган эди.

Албатта, мазкур вазифаларни ҳаётга самарали татбиқ этишда соҳага оид ҳукукий механизмлар рўёби салмоқли рол ўйнайди. Чунончи, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига интерактив хизматлар кўрсатувчи “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ва “Ўзбекэнерго” ДАК фаолиятида “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонун нормаларининг сўзсиз ижроси долзарб ҳисобланади.

Бинобарин, қўмита ишчи гуруҳи ушбу тузилмалар томонидан Қонунга риоя этилишини ўрганди. Унга мувофиқ, Давлат қўмитаси ва компания тизимларида илғор ахборот ҳамда компьютер технологияларини кенг жорий қилиш, ахборот ресурсларини ривожлантириш, интерактив давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича муайян ишлар олиб борилгани маълум бўлди.

Ишлаб чиқиляётган “Электрон ҳукумат” давлат интерактив хизматларининг ягона платформасига мос равишда бир қатор ахборот тизимлари ва ресурслари яратилгани бунинг тасдиғидир. Ҳозир интернет тармоғида “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ва “Ўзбекэнерго” ДАКнинг расмий веб-сайтлари ишга туширилиб, зарур маълумотлар билан тўлдириб борилаяпти. Ўз навбатида, электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган.

Айни пайтда давлат қўмитаси тизимида кўчмас мулкни ҳисобга олиш ва мулкка бўлган ҳуқуқни қайд этиш мақсадида ахборот тизимларининг дастурий комплекси ҳамда расмий интерактив хизматлар (кадастр ва рўйхатга олиш)нинг дастлабки версиялари ишга туширилган.

“Ўзбекэнерго” ДАКда бу борада амалга оширилган муҳим лойиҳалардан бири

электр энергиясидан фойдаланувчиларни автоматлаштирилган тарзда ҳисобга олиш ва улар билан ҳисоб-китоб қилиш бўйича идоравий биллинг ахборот тизими (“Электрҳисоб” дастурий комплекси) жорий этилганидир. Бу “онлайн” технологияси ёрдамида электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилишга доир ахборотни реал вақт режимида тезкор олиш, электрон тўловларни амалга ошириш имконини беради.

Йиғилишда “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонун ва бошқа тегишли ҳукукий ҳужжатлар ижросида “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ва “Ўзбекэнерго” ДАКда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлиги айтиб ўтилди. Унда ахборот ресурсларини инвентаризация қилиш бўйича ишларни мақбуллаштириш, фойдаланиладиган ахборот тизимларидаги техник воситаларни сертификатлаштириш, электрон ҳужжат айланиш тизимини жорий этиш ҳисобига қоғоз сарфини қисқартириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, интерактив хизматлар сифатини ошириш ва кўламини кенгайтиришга қаратилган бир қатор тавсиялар берилди. Муҳокамаларда кўриб чиқилган масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий қудратини юқори самарали пул-кредит сиёсати ва замонавий тўлов механизмларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳисоб-китоблар механизмнинг яхши йўлга қўйилиши ва унинг аниқ ишлаши эса барча ривожланган давлатлар тараққиётининг асосий пойдевори ҳисобланади. Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда электрон тўловлар ва электрон тижорат тизимларини ривожлантириш мақсадида мазкур муҳим йўналишнинг тадрижий ривожланишини таъминловчи зарур ҳукукий база яратилган.

Ахборот-коммуникация технологияларининг замонавий воситаларидан иқтисодиёт тармоқлари, айниқса, банк, молия ва тижорат тузилмалари фаолиятида кенг фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан

яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонларида асосий йўналишлар сифатида белгиланган. Ушбу меъёрий ҳужжатларда пластик карталар ва бошқа электрон тўлов воситалари орқали интернет тармоғидан товар ҳамда хизматлар учун тўлов имкониятларини ривожлантириш учун дастурий-техник инфратузилмани такомиллаштириш, тадбиркорликда замонавий ахборот коммуникация технологияларини янада ривожлантириш мақсадида рағбатлантиришни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланган.

Маълумки, мамлакатимизда иқтисодийга замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кириб келиши корхоналар билан истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқди. Бугунги кунда Ўзбекистонда электрон тўловлар, интернет глобал тармоғи ва мобил алоқа воситалари орқали банк соҳаси миқдорида турли хилдаги интерактив хизматлар кўрсатиш тизимлари жорий этилиб, улардан самарали фойдаланилмоқда. Иқтисодий интеграция ва глобаллашув шароитида хўжалик субъектлари, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари томонидан ўз фаолиятларида электрон тўловлар, электрон тижорат имкониятларидан самарали фойдаланиш улар ўртасидаги ўзаро соғлом рақобатни мустаҳкамлаш билан бир қаторда юқори иқтисодий натижаларга эришиш омили ҳам ҳисобланади.

Бугун банк-молия тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ўсиб боровчи глобал тенденцияси, банк пластик карталари миқдорининг ўсиши, электрон тўловлар ва электрон тижоратнинг ривожланиб бориши баробарида мамлакатимизда электрон тўловлар ва электрон тижорат соҳасидаги лойиҳаларнинг амалга оширилиши фаоллашмоқда. Мамлакатимиз банк-молия муассасалари ўз миқдорида интернет глобал тармоғи ва мобил алоқа воситалари орқали масофадан туриб электрон тўловлар, “СМС-банкнинг”, “Мобил-банкнинг” каби интерактив банк хизматларни кўрсатмоқдалар. Шунингдек, статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботларини тақдим этишда, солиқлар, турли мажбурий тўловларни тўлашда, рўйхатга олиш, рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишда, ер майдонларини ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишда, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини кредитлашда

давлат, назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги бевосита мулоқотни, бюрократик сансалорлик ва коррупцияни истисно этувчи электрон тизимга, шу жумладан, интернет тармоғига кенг миқёсда ўтиш таъминланмоқда. Кичик бизнес субъектлари - микрофирмалар томонидан замонавий банк хизматлари, жумладан, банк ҳисобварақларига масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизимларидан кенг фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратилди. Ушбу тизим доимий равишда кенгайтирилмоқда. Шу билан бирга улар томонидан республика ва маҳаллий бюджетга тўланадиган солиқлар, бошқа мажбурий тўловларни банк ҳисобварақларига масофадан туриб тўлаш имконияти яратилди. Мазкур тизим ёрдамида тўловларни амалга ошираётган хўжалик юритувчи субъектлардан уларнинг ҳисобварақларига хизмат кўрсатганлик учун ундириладиган (абонент ва воситачилик ҳақлари) тўловлар эса 20 фоизга камайтирилди.

Мамлакатимизда интернет ва мобил банкинг тизимларининг жорий этилиши банк учун ҳам, мижоз учун ҳам қўшимча қулайликлар яратди. Энди мижоз ўз ҳисобварағи бўйича банк амалиётларини банкка бормасдан интернет орқали хоҳлаган вақтда бажариш имкониятига эга бўлди. Бу эса мижозга вақти ва маблағини тежаш, манзилнинг узоқ-яқинлигидан қатъи назар банкни ихтиёрий равишда танлаш, ўз маблағларини анча тез бошқариш каби афзалликларни яратади. Натижада бундай қулайликлардан фойдаланувчилар сони кундан-кунга кўпаймоқда.

Ҳозирда ахборот технологиялари соҳаси мутахассислари электрон тўловлар ва электрон тижоратни амалга оширишни автоматлаштириш имконини берувчи хилма-хил технологик ечимларни таклиф этишмоқда. Замонавий интерактив хизматларнинг мамлакатимиз банк тизимида муҳим аҳамият касб этаётганини “Ижтимоий фикр” жамоатчилиқ фикрини ўрганиш маркази томонидан банк тизими фаолияти бўйича чиқарилган хулосалардан ҳам билиб олиш мумкин. Жумладан, сўровнома орқали фикр билдирган респондентлар мамлакатимиз банк тизимида тўловларни амалга оширишда мижозларга қулайликлар яратилаётганига, банкомат, инфокиоск ва бошқа ўз-ўзига хизмат кўрсатиш қурилмалари тармоғи фаолиятига ижобий муносабат билдириб, уларнинг қулайлигини, тўловлар ва операциялар бир зумда бажарилишини мамнунлик билан қайд этишган. Шу билан бирга банк билан

боғлиқ операцияларни масофадан бошқариш хизматлари - Интернет-банкнинг, СМС-банкнинг, мобил-банкнинг хизматлари ҳақида ўз муносабатини билдирганлар мамнун эканликларини, бундай қулай хизмат турларини янада кенгайтириш зарурлигини қайд этишган.

Кейинги йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича олиб борилаётган ишлар барча банклар томонидан тизимли равишда амалга оширилиши, электрон тўловлар ва электрон тижорат бўйича ахборот коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш банк миқозларига сифатли хизматлар кўрсатишни таъминлаш билан бирга Ўзбекистон банк тизимининг муқаррар юксалишига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги мақсадли йўналишларга эришиш борасида давлат органларининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ахборот ресурсларига оммавий уланишни, аҳоли кенг қатламларининг коммунал хизматлар учун электрон тўловларни амалга оширишини таъминловчи телекоммуникация тармоқлари инфратузилмасини ривожлантириш, “Электрон тўловлар тўғрисида” ва “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонунлар ижросини таъминлашдаги мавжуд муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш мақсадида интернет тармоғининг миллий сегментини маълумотлар билан тўлдиришни рағбатлантириш, миллий ахборот қидирув тизимининг ишлашини тубдан яхшилаш ҳамда ундан фойдаланувчилар сонини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, электрон тўловлар тизимини ривожлантириш мақсадида пластик карточкалар воситасида ҳисоб-китоб қилишнинг техник ва дастурий инфратузилмасини яратиш, турли хизматлар учун электрон тўловни амалга ошириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Шунингдек, таъкидлаш лозимки, аҳолининг банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини янада ошириш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг замонавий тури ҳисобланган банк карталарини кенг жорий этиш мақсадида, жойларга 100 мингдан ортиқ тўлов терминаллари ҳамда аҳолига қулай бўлган 1000 дан зиёд ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи банкомат ва инфокиоскалар ўрнатилган.

Жумладан, банкомат ва инфокиоскалар кечаю-кундуз иш фаолиятида бўлиб, улар орқали хоҳлаган вақтда коммунал (газ, электр, иссиқ ва совуқ сув учун тўловлар) ва телефон хизматларига тўловларни амалга ошириш имкониятлари мавжуд.

4. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

4.1. Иш жойини тўғри ташкил қилиниши

Ходимларининг турли-туман психологик зўриқишларга бой, ижодий ва масъулиятли фаолияти улар учун иш жойларида тегишли қулай шароитлар яратишни талаб этади. Ходимининг иш жойи зарур ташкилий-техникавий воситалар, асбоб-ускуналар ва ўз вазифаларини бажариш учун керакли бошқа махсус мосламалар билан жиҳозланган меҳнат фаолияти зонасидир. Иш жойини илмий ташкил қилиш ва жиҳозлаш қуйидагиларни тақозо этади: Жойларни оқилона режалаштириш, иш хусусиятига мувофиқ барча зарур нарсалар билан таъминлаш, ушбу жиҳозларни тўғри жойлаштириш, иш жойларига зарур хизмат кўрсатиш, яъни қулай иш шароитлари яратиш ҳамда ташқи муҳитдаги салбий омилларининг ходимга кўрсатадиган зарарли таъсирининг олдини олиш.

Ходимларининг иш жойлари бир хилда ташкил қилинмайди. Бу улар бажарадиган ишларнинг турларига боғлиқ. Шу билан бирга, ходимларининг

меҳнати умумий жиҳатларга ҳам эга. Улар ахборот билан иш олиб борадилар, уларнинг меҳнати ижодий ақлий меҳнатдир. Бу эса ички ишлар органлари ходимларининг иш жойини ташкил қилишга қўйиладиган баъзи умумий талабларни ифодалаш учун асос беради.

Иш жойини ташкил қилиш учун, аввало, хизмат хоналарини оқилона режалаштириш муҳим. У ўзаро ҳамкорлик қилувчи ходимлар ҳаракатларини, ахборот оқимини ва ходимлар ўртасидаги алоқалар суръатини ўрганиш ва таҳлил қилишга асосланиши керак. Хизмат хоналарини режа асосида қуриш ҳамда орган бўлинмалари ва ходимлари ўртасида тақсимлашда уларнинг иш жараёнидаги функционал алоқадорлиги, меҳнатининг мазмуни кабилар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ходимларнинг кабинетлар ёки зонал система бўйича жойлаштириладиган иш ўринлари бир неча гуруҳларга жамланиши ёки алоҳида-алоҳида жойлаштирилиши мумкин.

Иш жойини тўғри ташкил қилиш хизмат хонасининг энг кичик майдонини эгаллаган иш жойи ходимга энг кам ақлий ва жисмоний куч сарфлаб, ўз зиммасига юклатилган вазифаларни муваффақиятли уддалаш имконини берадиган зарур мебель ва ташкилий техника билан жиҳозланишини тақозо этади.

Ходимининг меҳнатига ахборот, ҳужжатлар билан ишлаш хос бўлганлиги сабабли, иш жойини ташкил қилиш ахборот ва ҳужжатларнинг энг мақсадга мувофиқ тарзда жойлаштирилишини, тезда қидириб топилишини, материаллардан фойдаланиш билан боғлиқ ортиқча ҳаракатларга чек қўйилишини, маълумотларнинг қаттиқ ва визуал (кўз билан) назорат қилинишини таъминлаши керак.

Физиологик нуқтаи назардан, меҳнат жараёни қўйилган мақсадларга эришиш учун сарфланадиган жисмоний ва ақлий куч-ҳаракатлардан иборат. Иш жойини оқилона жиҳозлаш ишловчини иш жараёнида ортиқча жисмоний ҳаракатлардан халос қилишни билдиради. Инсон организми, физиология нуқтаи назардан, узатмалар ва дастаклар комплекси бўлиб, бунинг натижасида айрим ҳаракатлар бошқаларига қараганда осонроқ бажарилиши мумкин. Меҳнат предметлари ва қуроллари иш жойида анна шуни инобатга олган ҳолда жойлаштирилади. Меҳнат предмети ходимнинг олдида, ёнида, тепасида, пастда ва орқада жойлаштирилиши

мумкин. Бир вазиятда уни олиш учун чўзилиш, бошқасида – энгашиш керак, учинчи ҳолда қийинчиликсиз олиш мумкин. Меҳнат предмети қўл етадиган жойда бўлса, ходимнинг ҳолати ва ҳаракатлари эса қулай бўлса, уни осонгина олиш мумкин. Шу жиҳатдан, иш жойининг ўзини оқилона режа асосида ташкил қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу меҳнат операцияларини бажариш учун энг кўп ва энг кам даражада қулай бўлган зоналарни ва, бинобарин, иш учун зарур бўлган барча нарсаларни шунга мувофиқ жойлаштиришни тақозо этади. Иш зоналарининг ўлчами кўп жиҳатдан хизмат мебелли (ёзув столлари, иш креслолари, сейф, шкафлар ва бошқалар)нинг тузилишига боғлиқ. Улардан фойдаланиш самарадорлиги кўп жиҳатдан меҳнат предметлари ва қуролларини жойлаштириш ва ишлатиш қоидаларига риоя этилишига боғлиқ. Буларнинг бари жисмоний меҳнаттагина тааллуқли деб ўйлаш нотўғри бўлади. Гап шундаки, у ёки бу ҳаракатда ютилган арзимас вақт йиғилиб бориб, иш куни давомида сезиларли вақт тежалишига имкон беради. Масалан, канцелярия папкаларининг тасмачаларини боғлаш ва ечиш учун йил давомида бир ҳафтагача иш вақти сарфланиши ҳисоблаб чиқилган. Техника воситаларини ишга тайёр ҳолатга келтириш учун кўп иш вақти сарфланади. Бу вақт сониялар билан эмас, балки дақиқалар ва ҳатто соатлар билан ўлчанади. У ёки бу ходим иш шароитларининг ва меҳнат хусусиятларининг хилма-хиллиги иш жойини ташкил қилиш учун ягона тизим яратиш имконини бермайди. Аммо бу иш жойига қўйиладиган умумий талабларни ифодалаш мумкинлигини истисно этмайди. Адабиётда меҳнат қуролларини жойлаштириш ва қўллаш борасида тавсиялар берилган. Ушбу тавсиялар асосан бир қанча қоидалардан иборат.

1. Меҳнат материаллари ва қуролларини ҳаракатларнинг энг мақбул кетма-кетлигини таъминлайдиган қилиб жойлаштириш зарур. Уларни бир-бирига яқин турадиган қилиб жойлаштиришга ҳаракат қилиш керак.

2. Материаллар ва нарсалар олдиндан тайёрланган бўлиши ва муайян жойда бўлиши керак. Уларнинг бетартиб, режасиз жойлашганлиги кўп вақт йўқотилишига олиб келади.

3. Меҳнат қуроллари ва ҳужжатлар осон ва қўшимча вақт сарфламай олинадиган қилиб жойлаштирилиши керак. Иш жойида материалларга қўлнинг етишини мебелнинг айрим қисмларини бир-бирига нисбатан оқилона

жойлаштириш, иш зонасини кенгайтириш ва, бинобарин, айланадиган ва ҳаракатланадиган креслодан фойдаланиш эвазига таъминлаш мумкин.

4. Турли хил меҳнат қуролларини (масалан, қалам ва ўчирғични) бирлаштириш мумкин.

5. Ёзув столи ва иш креслоси муайян бир иш ёки муайян ходимга мослаштирилган бўлиши керак, аммо ходимни ёзув столи ёки иш креслосига мослаштириб бўлмайди.

6. Ходим ёзув столидан ҳужжатлар ва материалларни тахлаш учун эмас, балки фақат жорий иш учун фойдаланиши керак.

7. Иш жойи барча материаллар ва меҳнат қуроллари кўриниб турадиган қилиб ташкил қилиниши керак. Нарсаларнинг кўриниб туриши уларнинг доимо бир жойда сақланиши билан бирга, уларни излаш учун сарфланадиган вақтни йўқ қилишга хизмат қилади. «Излаш» сўзи ходимнинг луғавий бойлигидан чиқиб кетадиган тарзда ташкил қилинган меҳнат нормал меҳнат бўлиши керак. Бунда ҳужжатлар «қалашган» ёки «тўпланган», яъни папкалар бир-бирининг устида ётган, канцелярия буюмлари сочилган, маълумотномалар ва норматив ҳужжатларнинг тўпламлари ҳамда бошқа адабиёт икки қатор бўлиб жойлашган ҳолатга йўл қўймаслик муҳим. Бунинг учун эса канцелярия нарсалари, қоғоз, магнитофон ленталари ва бошқа буюмларни сақлаш учун мўлжалланган турли хил қутилардан фойдаланиш тавсия этилади. Ишжилдлар, папкалар, конвертларни алоҳида-алоҳида сақлаш лозим. Ушбу мақсадларда кичик тўсиқлардан фойдаланиш мумкин. Столнинг тортма қутилари ҳам, масалан, карточкалар сақлаш учун бир неча қисмларга бўлиниши мумкин. Ҳужжатларнинг кўриниб туришига улар ва бошқа материаллар сақланадиган папкалар ва қутилардаги ёзувлар ва белгилар ҳам ёрдам беради.

Тажрибанинг кўрсатишича, хотиранинг ўзига таяниш мумкин эмас. Ҳужжатларнинг аниқ белгилаб қўйилиши ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди, аммо уларни излаш учун кетадиган вақтни тежайди. Белгилаш усуллари (ёзувлар, белгилар, рақамлар ва ҳ. к.) материалларнинг хусусиятига боғлиқ. Кўриниб туриши учун қўлланиладиган кенг тарқалган усуллардан бири қоғозларни ёзув столидаги ойна остига жойлаштиришдир. Ушбу мақсадда махсус мосламалар (ушлагичлар)дан

ҳам фойдаланилади. Улар ёрдамида керакли қоғозларни тезда кистириб мумкин. «Текис картотека» деб номланувчи мослама ҳам ҳужжатларнинг кўриниб туришига хизмат қилади. Унда карточкалар ҳаракатланувчи планшетларда бирининг устида иккинчиси муайян ораликда жойлашган бўлади. Бундай планшетларнинг ҳар бирининг остки қисмида унда мавжуд бўлган ахборот номи ёзиб қўйилади. Керакли ҳужжатларни топиш учун тегишли планшетни очишнинг ўзи етарли бўлади.

8. Иш жойи иложи борида ташқи таъсирлардан ажратилган бўлиши керак. Амалиётда ушбу талабга кўпинча риоя қилинмайди. Аслида эса ажратилганлик одамлар кўз ўнгида ишлашда юзага келадиган асабийлашишни камайтиради. Бу таҳлилий ва бошқа ижодий ишни бажаришда айниқса муҳим. Бунга, масалан, мебелни пухта ўйлаб жойлаштириш эвазига эришиш мумкин. Ёзув столларини ходимлар бир- бирининг узлуксиз кузатувида бўлмайдиган қилиб жойлаштирган маъқул. Агар хизмат хонасида столлардан ташқари сейфлар ва шкафлар мавжуд бўлса, улар ёрдамида нисбатан ажратилган иш жойлари яратиш мумкин. Бунда юзага келадиган табиий ёруғлик етишмаслигини сунъий ёруғлик эвазига қоплаш мумкин. Ёзув столларини мажбуран ёнма-ён ёки бир- бирига қарама-қарши қўйишга тўғри келган ҳолларда ҳам уларни кичик тўсиқлар билан ажратса бўлади.

9. Иш ўринларини жойлаштиришда нафақат хизмат хонасининг фойдали майдонидан тежамкорлик билан фойдаланиш, балки уларнинг пухта ўйланмай жойлаштирилганлиги сабабли йўл қўйиладиган хизмат вақти йўқотилишларини йўқ қилишга ёрдамлашиш ҳам муҳим. Ишининг хусусиятига кўра, бошқа бўлинмалар (хоналар)га тез-тез мурожаат этадиган ходимларнинг жойларини хизмат хонасининг эшигига яқинроқ жойлаштириш лозим. Ушбу талаб, аввало, ҳужжатлар айланиши билан боғлиқ функцияларни амалга оширувчи ходимларнинг ишига тааллуқлидир. Масалан, шаҳар, туман ички ишлар органи котибининг иш жойи бошлиқ кабинетининг яқинида жойлаштирилади.

4.2 Фавқулодда вазиятларнинг тоифаланиши

Инсоният ХХИ асрга қадам кўяр экан, ўтган давр мобайнидаги совуқ урушлар, тинчлик давларида қулланилган замонавий қурооллар, турли қурилишдаги фалокатлар ва бошқа муаммоларни таҳлил қилади ва янги аср бўсағасида бажариладиган тадбирларни ҳар томонлама асослаган ҳолда белгилаб олади.

XX аср поёнида ҳавфсиз ҳаётни таъминлаш масалалари энг долзарб муаммога айланиб қолди, чунки ишлаб чиқариш жараёнининг мисли кўрилмаган юксак тараққий этган технологиялар билан таъминланиши, табиий ривожланишдаги айрим нохуш вазиятларнинг мураккаблашуви аҳоли саломатлиги, атроф-муҳит тозаллиги ва иқтисоднинг барқарор ривожланишига таҳдид солиб турибди. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистонда ўз мустақиллигига эришган дастлабки йилларданок энг муҳим вазифалар қаторидан мамлакат аҳолиси ва ҳудудини турли хил фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, экологик ҳавфсизликни таъминлаш масалалари урин олган. Республикамиз Президенти Ислоҳ Каримов «Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» китобида таъкидлаганидек: «Экологик ҳавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган». Ватанимизнинг яхлитлиги, аҳоли ҳавфсизлиги таҳдиди тугрисида Президентимиз «Ўзбекистон ХХИ асрга интилмоқда» асарида ҳам батафсил тухтаб ўтганлар.

Бизга маълумки, ҳар бир мустақил давлат узининг мудофаа қудратига эга. Мудофаа сиёсатини қай тарзда амалга ошириш имкониятлари уша давлатнинг қудратини белгилайди. Чунки ҳар бир давлат моддий бойликларини, техникаларини, ҳарбий аҳамиятга молик бўлган иншоотларини, халқини ҳимоя қилишда, сақлашда янги турдаги омилларни яратади ва ишлаб чиқади. Шу тариқа давлатларда янги-янги қурооллар яратиладики, булар нафақат инсониятга, балки бутун жонли табиатга, атроф-муҳитга жуда катта зиён етказади. 1990 йилгача биз дунёни икки тизимга (капиталистик ва социалистик) бўлиб келган эдик ва ҳар иккаласида ҳам умумий қирғин қурооллари яратилганлигини яхши биламиз. Бундай қуроолларни баъзи бирлари айрим давлатлар томонидан синаб кўрилди ҳам ва ҳозирги кунгача уларнинг асоратлари тўғрисида эшитиб келяпмиз.

Мустақиллигимизнинг дастлабки даврларида фуқароларни ва ҳудудларни табиий офатлардан, турли хилдаги авариялардан муҳофаза қилиш, фуқароларнинг мутадил ҳаёт фаолиятини таъминлаш борасидаги вазифаларни хал этиш учун Ўзбекистон ҳукумати томонидан 1991 йидда фуқаро мудофааси тизими фуқаро муҳофазаси тизимига айлантиридди. Янгидан ташкил этилган ушбу тизим Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги таркибига кирувчи фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси сифатида тинчлик даврлардаги табиий офатлар, ишлаб чиқариш фалокатлари ва ҳалокатларнинг олдини олиш ва уларнинг, оқибатларини тугатиш вазифаларини бажаради. Мамлакат фуқаролар муҳофазасини ривожлантиришнинг асосий концепцияси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1994 йил 9 апрелда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Республика Кенгашида сўзлаган нутқида баён этилган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартдаги фармонида биноан аҳолини ва халқ хужалиги иншоотларини табиий офатлардан муҳофаза қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш, Республикада табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (ФВВ) ташкил қилинди.

ФВВнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналиши асосан: фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, фуқаролар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, фавқулоддда вазиятлар юз берганда уларнинг оқибатларини тугатиш ҳамда зарарини камайтириш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай ҳоллардаги ҳаракатларни бошқаришнинг давлат тизими (ФВДТ)ни ташкил этиш ва унинг фаолиятини таъминлаш, фуқаро муҳофазасига раҳбарлик қилиш, вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳоказоларга қаратилган.

Фавқулодда вазиятлар тавсифига кўра (сабаби ва келиб чиқиш манбаига кўра):

- 1 Табиий тусдаги ФВ;
- 2 Техноген тусдаги ФВ;

3 Экологик тусдаги ФВларга бўлинади. Табиий тусдаги фавқулодда вазиятларга 3 хил турдаги хавфли ходисалар киради:

1) геологик хавфли ходисалар: зилзилалар, ер кўчишлари, тоғўпирилишлари ва бошқа хавфли геологик ходисалар;

2) гидрометеорологик хавфли ходисалар: сув тошқинлари, селлар, қор кўчкилари, кучли шамоллар (довуллар), жала ва бошқа хавфли гидрометеорологик ходисалар;

3) Фавқулодда эпидемиологик, эпизоотик ва эпифитотик вазиятлар: алоҳида хавфли инфекциялар (ўлат, вабо, саргайма, иситма), юқумли касалликлар, риккецияларепидемик тошмали терлама, Брил касаллиги, зооноз инфекциялар — Сибир яраси, кутуриш, вирусли инфексиялар — СПИД;

Эпидемия — одамларнинг гуруҳ бўлиб юқумли касалланиши, уларнинг захарланиши (захарли модда билан ҳамда озиқ-овқатдан оммавий захарланиш); эпизоотия — хайвонларнинг оммавий касалланиши ёки нобуд бўлиши; Эпифитотия эса ўсимликларнинг оммавий нобуд бўлишидир.

Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар. Экологик тусдаги ФВлар асосан 3 хил бўлади:

1. Қуруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар: ҳалокатли кўчкилар — фойдали қазилмаларни қазиб чоғида ер остига ишлов берилиши ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида ер юзасининг ўпирилиши, силжиши;

2. Тупроқ ва ер саноати туфайли келиб чиқадиган токсикантлар билан ифлосланиши, оғир металллар, нефт маҳсулотлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида одамларнинг соғлиги учун хавф солувчи концентратцияларда қўлланиладиган пестицидлар ва бошқа захарли химикатлар мавжудлиги.

3. Атмосфера (ҳаво муҳити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар.

ХУЛОСА

Ушбу битирув малакавий иши интерактив хизматлардан фойдаланиш ҳолатини аниқлаш, АКТ корхоналарида қўллаш ва Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида уни жорий этиш ва такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Ахборотлашган жамият кўплаб ташкилотларни “Электрон ҳукумат” концепциясини қабул қилишга ундамоқда. Улар аҳолига интеграциялаган электрон кўринишидаги хизматларни таклиф қилиш, ахборот тенгсизлигини бартараф этиш, бутун умр давомида ўқишни ташкил қилиш, мижозлар билан муносабатларни қайта кўриб чиқиш, иқтисодий ўсишга кўмаклашиш, энг маъқул қоида ва меъёрлани ҳамда кўпчилик инсонлар иштирокидаги бошқарув формаларини аҳолига қулай бўлган ҳолда яратиш имкониятларини кидирмоқдалар. Ушбу давлат бошқарувида интерактив хизматларни жорий қилиш, унинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилишга бағишланган битирув малакавий ишида қуйидагилар таъкидланган:

Давлат бошқарув соҳасида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг муҳим аҳамияти таъкидланиб, давлат ҳокимияти органлари томонидан таянч интерактив хизматлар кўрсатиш, интерактив хизматлар реестрини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади ва у давлат ва аҳоли ҳамда хўжалик юрутувчи субъектлар ўртасида ахборот мулоқотларини оширишга ва яратишга йўналтирилган;

Ахборот коммуникация технологияларини давлат бошқарув органлари фаолиятига жорий этишнинг муҳим самарадорлиги кўрсаткичи бўлиб турли давлат ҳокимият органларининг вазирликлар ташкилот ва корхоналар билан электрон ҳужжат айлантириш тизимини ривожлантириш ҳисобланади.

Ҳозирги даврда интернет тармоғидан фойдаланувчи ҳар бир мижоз маълум маълумотларини ҳукумат порталидан олади ва бу эса давлат ҳамда жамият ўртасидаги муносабатларни яхшилашга туртки бўлади.

Ҳозирги кунга келиб давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ўзларининг “web” сайтларига эга шу билан бирга давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг

52% “web” сайтларининг ўзининг жорий фаолиятида ахборотларнинг ҳар кунги тафсилотларини янгиламайди.

Олиб борилган тадқиқотлар ва изланишлар натижасида қуйидагиларга эришилди:

- Интерактив хизматлар тушунчаси ва унинг моҳияти очиб берилди;
- Интерактив хизматлар таснифи келтирилди;
- Ўзбекистонда интерактив хизматларни АКТ корхоналари соҳасида ривожлантириш чора тадбирлари - ишлаб чиқилди;
- Интерактив хизматлар янги турлари тавсия этилди;
- Электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш аниқланди;
- Интерактив хизматлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланди;

Ушбу малакавий ишида Ўзбекистонда янги интерактив хизматларни жорий этиш, уларни маълум бир кўрсаткич асосида текширув олиб бориш ва назорат қилиш АКТ соҳасининг ривожланишига сабаб бўлади. Интерактив хизматларнинг жорий этилиши аҳоли фаровонлигига сабаб бўлади. Бугунги кундаги олиб борилаётган ислохотлар натижасида келгусида кўплаб янги интерактив хизматларни яратишнива уларни тадбиқ қилишни режалаштирсак бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Алоқа тўғрисида”ги Қонуни. 1992 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонуни. 1997 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонуни. 2002 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. 2003 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонуни. 2004 йил.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 16 октябрдаги ПФ-4475-сон Фармони
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.02.2012 йилдаги № 24 “Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 6 июндаги ПҚ-200-сон “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 февралдаги ПҚ-1487-сон “2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари негизида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари кўрсатишни сифат жиҳатидан ривожлантиришни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
10. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш — барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. -Т.: Ўзбекистон. 2007.
11. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш —

барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. -Т.: Ўзбекистон. 2008.

12. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Ўзбекистон. 2008.

13. Каримов И.А.. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: - Ўзбекистон. 2009.

14. Каримов И.А. 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” маърузаси.

15. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон. 2011.

16. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: Ўзбекистон. 2013.

17. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йули бўлади. Тошкент:Ўзбекистон. 2014.

18. Арипов А.Н., Иминов Т.К. Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари. Т.: “Fan va texnologiya”. 2005.

19. Арипов А.Н., Махмудов М.М. Ценовая политика и методология формирования тарифов на услуги телекоммуникаций. – Журн. “Экономический вестник Узбекистана”. №6. 2003. стр.36-39.

20. Арипов А.Н., Мирзахидов Х.М. Совершенствование организации системы управления маркетингом услуг телекоммуникаций. “Экономический вестник Узбекистана”. 2003. № 8-9, стр.49-50.

21. Белов С.В Безопасность жизнедеятельности М.: Высшая школа. 2003.

22. Муҳиддинов Ҳ.А., Иминов О.К. Телекоммуникация хизматлари бозори ривожланишининг молиявий асослари. Т. 2005.

23. Ёрматов Ғ.Ё, Исамухамедов Ё.У Меҳнатни муҳофаза қилиш. Дарслик. Ўзбекистан нашриёти. Тошкент 2002.

24. Жўраев Т.Т Иқтисодий ресурслар доиравий айланиш жараёнининг назарий асослари ва самарадорлигини ошириш омиллари. -Тошкент Иқтисод-

молия. 2006.

Интернет сайтлар

25. www.aci.uz– Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг расмий сайти.
26. www.xs.uz – “Халқ сўзи” газетаси сайти.
27. www.lex.uz – Ўзбекистон қонунчилиги миллий базаси.
28. www.my.gov.uz – Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали
29. www.ziyonet.uz- Ахборот таълим тармоғи
30. www.reestr.uz- Давлат ахборот ресурслари ва давлат органларининг ахборот тизими
31. www.cert.uz- Компьютер ходисаларига чора кўриш хизмат
32. www.google.uz – ахборот қидирув тизими.
33. www.uzreport.com
34. www.infocom.uz